

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВА ИБОДАТХОН ИКРАМОВНА

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР НАСРИЙ АСАРЛАРИ ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Рустамова Ибодатхон Икрамона
Абдулла Қахҳор насрий асарлари поэтикаси..... 3

Rustamova Ibodatxon Ikramona
Addullah Kahhor Poetics of prose.....35

Рустамова Ибодатхон Икрамовна
Поэтика прозаических произведений Абдуллы Каххора 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....69

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВА ИБОДАТХОН ИКРАМОВНА

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР НАСРИЙ АСАРЛАРИ ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси маълум Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмурияти културисига Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc.Fil.260 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида баҳарланган.

Диссертация аннотацияси Илмий кенгаш веб-саноҳида (www.fdu.uz) ҳамда "Ziynet" Аxbopи-тaқoлми порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сайирдинов Асбар Гафурович,
филология фанлари доктори

Расмий алоқондорлар:

Рагулова Умида Вуллати кичик
филология фанлари доктори

Халидов Уллубек Абдувахобович,
филология фанлари доктори

Вазирин Атиқддин Норманович,
филология фанлари доктори

Етaқим тaқвoлм:

Ўзбекистон илмий университети

Диссертация қoғoқим Фарғона давлат университети културисига филология фанлари бўлиғим илмий алоқондор бўлиғим DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02 рақами билан Илмий кенгашнинг 2022 йил 10-09 сана 10-09 дағи мақолида бўлиғим утади. (Мақолига: 100151, Фарғона ил., Б.Мартинковий, 107, Тел: (0573) 244-44-28; факс: (0573) 244-44-91; e-mail: fdu@fdu.uz)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Аxbopи ресурс мақолида тақвoлм мувоқоқим (19 рақами билан рўйхатга олинган). (Мақолига: 100151, Фарғона ил., Б.Мартинковий, кўчасига 107, Тел: (0573) 244-44-04).

Диссертация аннотацияси 2022 йил 10-09 кунин тарқатилган. (2022 йил 10-09 дағи 50 рақами рессетт баҳарланган).



Ш.М.Исмаилов,
Илмий алоқондор бўлиғим

филология фанлари доктори, ф.ф.д., профессор

М.Т.Зайнуров,
Илмий алоқондор бўлиғим

филология фанлари доктори, ф.ф.д., акадмик

Г.Б.Қoғoқим,
Илмий алоқондор бўлиғим

филология фанлари доктори, ф.ф.д., акадмик

профессор, ф.ф.д.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида ёзувчи маҳорати, услубига хос жиҳатларни белгилашда бадиий асар поэтикаси билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни умумлаштириш насрий асарларда бадиий матн яратиш ва воқеликни бадиий талқин этиш тамойиллари ритм, қаҳрамон, характер яратиш маҳоратини ўрганиш тадқиқотчиларнинг мунтазам диққат марказида бўлган. Бугунги кунда дунё халқларининг бадиий асар поэтикаси билан боғлиқ илмий-назарий қарашларини умумлаштириш, муайян ижодкор асарлари поэтикаси тадқиқи орқали умуминсоний ва миллий қадриятларни акс эттиришдаги ижодкор маҳоратини илмий асослаш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон дунё адабиётшунослигида бадиий насрда модернистик тасвир усуллари юз кўрсатаётган бир пайтда, умуминсонийлик, замонавийлик, миллийлик тамойилларига асосланган онтологик, герменевтик, структурал таҳлилларга эътибор қаратилмоқда. Бу эса бадиий асарлар поэтикасида ровий ривоя тарзи, ровий функцияси, ритм ва уни ҳосил қилувчи воситалар ўрнини эътиборга олган ҳолда индивидуал услуб ва маҳорат масалаларини чуқур таҳлил этиш орқали илмий-назарий жиҳатдан асослаш заруратини келтириб чиқаради.

XX аср ўзбек насри ўзига хос тараққиёт ва изланишлар босқичини босиб ўтди. Маълумки, собиқ шўролар даврида бир ижодий методнинг ҳукмрон бўлиши ижод эркинлигига акс таъсир кўрсатиб, ҳаёт ҳақиқати талқинида ёзувчига қийинчилик туғдиради. Лекин шунга қарамай ўз даврида XXI аср ижодкорлари учун ҳам ўрганиш манбаи вазифасини бажарадиган асарлар яратилдики, ушбу асарлар поэтикаси: услуб ва маҳорат, қаҳрамон ва характер, бадиий матн ва контекст, бадиий нутқ ва конфликт, ижодий жараён ва ижодий лаборатория каби масалалар тадқиқи долзарб ҳисобланади. “Айниқса, ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда бутун башарият олдида пайдо бўлаётган, биз илгари дуч келмаган долзарб мураккаб муаммолар, глобал хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, шу йўлда барча эзгу ниятли кишиларни бирлаштиришда, дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этадиган ёшларни гуманистик ғоялар руҳида тарбиялашда бадиий сўз санъатининг ўрни ва масъулиятини ҳар қачонгидан ҳам юксалтириш зарурлигини бугунги куннинг ўзи тақозо

этмоқда”.¹ Шундай экан, XX аср ўзбек адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлган Абдулла Қаҳҳор ижоди бадиий тафаккуримизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланиб, бугунги ислохотлар ва янгиланишлар жараёнида ҳам ёш авлодни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда муҳим вазифани бажаришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2–909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ - 4865-сон “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференциялар ўтказиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.²

¹ Мирзиёев Ш . Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлсин. Учинчи жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б.340.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи .Conneli F/ / Study of poetry/ Norwood press. Mass,U.S.A.1913/ - p.232; Wellek Rehe, Warreh Austin. Theory of Literature. New York Harcourt, Brace and Company.1946; Rabinovitz R. Iris Murdoch. Columbia University Press. New York and London, 1968. Wolfe P. The disciplined heart: Iris Murdoch and her novels.Columbia Missouri. University of Missouri Press. 1966.<http://cup.columbia.edu>; Ноговицын О. Поэтика русской прозы.-С. Петербург: Высшая религиозно-философская школа,1999. –155 с. Баршт К. Поэтика прозы Андрея Платонова. – Спб. 2000. – 484 с. <http://pushkinskiydom.ru>. Ветлловская В. Анализ эпического произведения: Проблемы поэтики. – Спб.: Наука, 2002. -214 стр.[www://kniga.websib.ru](http://www.kniga.websib.ru), www.harvard.edu, www.mgu.ru, www.bgpu.by ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

Жаҳон адабиётшунослигида поэтика масалалари, таниқли ёзувчилар насри бадиияти барча даврларда олимларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, Jons Hopkins university (U.S.A. Ф.М.Коннелининг “Адабиётни ўрганиш” асарида адабиётшуносликнинг назарий асосларини уч қисм (11 бўлим) ва иловада очиб берган), University of Yale (Рене Уэллек, Остин Уорренларнинг “Адабиёт назарияси” асарида поэтик муаммоларини таҳлил этган). University Columbia (Р.Рабинович ва П.Вульфнинг “Айрис Мёрдок романлари поэтикаси”ни) да самарали ишлар қилинмоқда.

Шунингдек, Санкт-Петербург университети (О.Ноговицыннинг “Рус насри поэтикаси”ни, К.Барштнинг “Андрея Платонов насри поэтикаси”ни, В.Ветловскаянинг “Эпик асарлар таҳлили: поэтика муаммолари” ҳақида фикрлари), Москва давлат университети (Н.Тамарченко, В.Тюпа, С.Бройтман), Белоруссия давлат педагогика университетида роман поэтикаси махсус тадқиқотлар олиб борилган (Т.Комаровская).

ЎЗР ФА Ўзбек тили адабиёти ва фольклори институти (С.Мириев, З.Мирзаева), Ўзбекистон Миллий университети (М.Шарафуддинова, С.Камилова), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (И.Якубов)да роман поэтикасига оид тадқиқотлар амалга оширилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон ва рус адабиётшунослигида бадиий асар поэтикасининг назарий асослари, бадиий асар структураси, образ яратиш усуллари, ёзувчининг ўзига хос ижодий тамойили, бадиий асар тили, унинг бадиийлиги жиҳатлари Аристотель, М.Храпченко, М.Бахтин, Е.Хализев, А.Веселовский, М.Гришман, В.Виноградов, В.Белинский, Б.Шкловский, Г.Поспелов, Ф.Шеллинг, Е.Добин, В.Кавалев, Ю.Борев,³ каби олимлар тадқиқотларида ўрганилган. Адабиётшунос олимлар М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, М.Султонова, Ҳ.Абдусаматов, У.Норматов, С.Содиқ⁴ кабиларнинг илмий изланишларини Абдулла Қаҳҳор ижодининг ўрганишдаги йирик фундаментал тадқиқотлар сирасига киритиш мумкин.Шунингдек, У.Ҳамдам, Р.Қўчқор, Д.Тўраев, В.Боролина, И.Ҳаққул, Ҳ.Болтабоев, Й.Солижонов, А.Сабирдинов,

³ Аристотель. Поэтика. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980; Храпченко М. Творчество Гоголя.–Москва: Академ.наук. СССР, 1957.–258 с.; А.Потебня Теоретическая поэтика.–Москва: Высшая школы, 1990. –342 с.; Храпченко М. Горизонты художественного образа.–Москва: Художественная литература, 1986.–439 с.; Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: Худож. лит., 1975. –502 с.; Бахтин М. Романда закон ва хрэнатоп шакллари. –Тошкент: Akademnashr, 2015. –288 б; Хализев Е. Теория литературы.–Москва:Высшая школы,1999, –398с.WWW.gumfak.ru Веселовский А. Историческая поэтика, – Москва: Высшая школа, 1989. –406 с; Гришман М. Ритм художественной прозы. Москва: Сов писатель, 1982. –С.365; Виноградов В. О теории художественной речи.–Москва: Высшая школы, 1971. –118 с.; Поспелов Г. Введение в литературовведение. –Москва: Высшая школы, 1983.С-202. Добин Е. Жизненный материал и художественный сюжет. –Москва: Сов.писатель,1982; Кавалев В. О стиле художественной прозы. – Москва: Художественная литература, 1960; Гришман М. Ритм художественной прозы. –Москва: Сов писатель, 1982. –С.365;

⁴Қўшжонов М., Норматов У. Маҳорат сирлари. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. – 220 б.; Султонова. М. Абдулла Қаҳҳор услуби. –Тошкент: Фан, 1967.; .Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. –Тошкент: Ёш гвардия, 1988.-255-б.; Абдусаматов Ҳ. Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1980; Содиқ С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид: Филол. фан. док. дисс... –Тошкент, 1997. –210 б.

Ш.Норматова, О.Жўрабоев⁵ каби олимларимиз томонидан адиб асарлари турли назарий муаммолар асосида ўрганилган. Мавзуга яқин ишлар⁶ қатор адабиётшуносларимиз томонидан образ ва характер яратиш аспектида ишда ёритилган.

Истиклол даврида кўплаб соҳалар каби адабиётшуносликда ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбек адабиёти манбаларини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш, бадиий матнни турли-туман кўринишларда тадқиқ этиш ҳаракатлари кучайди. “Умуман олганда, ҳар қандай таҳлил, жумладан структур таҳлилнинг пировард мақсад-вазифаси бадиий асарнинг жон жойини топиш ва уни далиллар орқали илмий аниқ ва таъсирчан тарзда кўрсатиб беришдир”.⁷ Айтилган илмий қарашларга муносабат билдириш билан бирга, улар томонидан ўрганилмаган назарий жиҳатлар ёритилган.

М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Ҳ.Умуров, Д.Тўраев, Ҳ.Болтабоев, Д.Қуронон, О.Жўрабоев, Х.Ҳамрақулова, М.Кўчқорова каби олимлар изланишларида айнан шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослигида Абдулла Қаҳҳор асарларини мустақиллик даври талаблари асосида янгича талқин этиш жараёнлари бошланди. Бадиий матнни таҳлил этишда матнни англаш ва тушуниш кенгайди, асар структурасидан янги маъноларни топиш ҳолатлари кузатилди, ўқувчини атрофлича мушоҳада қилишга ундаш, унинг тафаккурига таъсир этиш усуллари кашф қилинди.

Д.Қуронон, С.Милиев, Ҳ.Болтабоев, И.Ҳаққулнинг бадиий матн билан боғлиқ рисола ва мақолалари тадқиқот концепциясини белгилаб олишимизда асос бўлди. Уларнинг тадқиқотлари бевосита асар структураси билан боғлиқ жараёнларни матн асосида тадқиқ қилганлиги билан аҳамиятли саналади. Бироқ А.Қаҳҳор асарлари структураси билан боғлиқ жиҳатлар адабиётшунослигимизда кенг ўрганилмаганлигини назарда тутиб, асар структурасида ровий ривоя тарзи, функцияси, унинг ўзига хос жиҳатлари, бадиий воқеликни ташкиллашда асар ритми ва ритм ҳосил қилувчи воситалар, бадиий деталь ва унинг функционаллик даражаси, образ ва портрет яратишдаги муаллиф маҳорати, тип яратишдаги унинг ўзига хос

⁵ Ҳамдам У. Янги ўзбек шеърляти. –Тошкент: “ADIB”, 2012. –304 б.; Кўчқор Р. Мен билан мунозара қилсангиз.–Тошкент: Маънавият, 1998. –96 б; Болтабоев Ҳ. Теранлик. (“Анор” ҳикоясининг структурал таҳлили). // Адабиётимиз фаҳри. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007; Жўрабоев О. Матннинг матности сирлари. – Тошкент: Tamaddun, 2019. –199 б.; Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2009. –226 б.; Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. –Тошкент: Akademnashr, 2006 . –Б. 144; Боролина И. Абдулла Қаҳҳор. Очерк творчество. –Тошкент: Гос. изд. художественной литературы, 1957. – С.120; Кўчқорова М. “Ўтмишдан эртақлар” тадқиқи. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. –144 б.; Кўчқорова М. “Сароб”нинг матн ости сирлари. Ziyouz.uz . *Илм ва фан*. –144 ,. ва *адабиёт* саҳифаси.

⁶ Матёқубов С. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари: Филол. фан. номз... афтореф. –Тошкент, 2008. –23 б.; Қуронон Д. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида): Филол фан. д-ри. дисс... автореф. –Тошкент,1998. –53 б.; Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин.–Тошкент: Фан, 2006; Йўлдашев Қ. Ўзбек совет ҳикоячилигида характер тасвири эволюцияси: Филол. фан. номз... дисс. –Тошкент, 1985. –164 б.; Иноятлов Ч. Ҳозирги ўзбек прозасида характер проблемаси. –Тошкент: Фан, 1984, –128 б. Дониёров Ш. Шукр Холмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги: Филол. фан номз... дисс. –Тошкент, 1999. –130 б.

⁷ . Милиев С. (Сувон Мели). Глобал илмий-бадиий талқин поэтикаси: Фил. фан. док-ри (DSc.) дисс. – Тошкент, 2019. –Б.66.

ижодий тамойиллари масаласи, бадий матнни ташкиллашда ўхшатиш, қиёслаш перифраза каби тасвирий воситалар бадий асар контекстида ўрганилди, ёзувчи ижодий услубидаги индивидуал жиҳатлар асосланган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқотлар режасининг ”Ўзбек адабиётшунослиги бўйича илмий-тадқиқотларнинг илмий-назарий асослари” мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади А.Қаҳҳор насрий асарлари поэтикасини илмий-адабий нуқтаи назардан асослаш, унинг асар композицион структураси билан боғлиқлик даражаси, ровийнинг ривоя тарзи ва образлар таҳлили масаласини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

асар структурасида ровий функцияси ва ўрни, унинг ўзига хос жиҳатларини асослаш ҳамда ритм ва ритм ҳосил қилувчи воситаларнинг бадий воқеликни ташкиллашдаги, ифода таъсирчанлигини таъминлашдаги функциясини аниқлаш;

тасвир ва талқин ҳаётийлигини юзага чиқаришдаги деталларнинг ўрни, уларнинг динамикасини ёритиш, шунингдек, ровийнинг ривоя тарзи, унинг позициясини воқелик ва қаҳрамонларга бўлган муносабатлари асосида кўрсатиш;

образ ва унинг портретини яратишдаги ёзувчи маҳоратини тадқиқ этиш; роман жанри имкониятларидан самарали фойдаланишдаги ёзувчи услуби ва маҳорати масаласини ёритиш;

прототип, характер, тип, персонаж шакллантиришдаги ёзувчи услубига хос жиҳатларни кўрсатиб бериш ҳамда ёзувчининг қаҳрамон ва персонаж яратишдаги қиссачилик маҳорати тадқиқи орқали унинг ушбу жанр тараққиётига қўшган ҳиссасини очиб бериш;

ўхшатиш, перифраза каби тасвирий воситалар орқали типик образлар, қаҳрамонлар қиёфаси ҳамда характерини яратишдаги ўрнини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдулла Қаҳҳорнинг беш жилдлик “Асарлар”ининг биринчи, иккинчи, учинчи жилдларига киритилган ҳикоя, қисса ва романларидан фойдаланилган. Жумладан, “Сароб”, “Қўшчинор чироқлари” романлари, “Ўтмишдан эртақлар”, ”Синчалак” қиссалари, “Бошсиз одам”, “Башорат”, “Тўйда аза”, “Майиз емаган хотин”, “Минг бир жон”, “Адабиёт муаллими”, “Санъаткор” ҳикоялари таҳлилга тортилган.

Тадқиқотнинг предметини Абдулла Қаҳҳорнинг турли жанрдаги насрий асарлари поэтикаси таҳлили орқали бадий маҳоратини ёритиш, унинг XX аср ўзбек адабиёти тараққиётидаги ўрнини кўрсатишни ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда биографик, қиёсий-концептуал, биографик, герменевтик ва структурал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёзувчи насрий асарларида воқеликни бадиий талқин этишдаги ровий функцияси матн парчаларини умумлаштириш, ўқувчига қаратилган бадиий воқелик ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш, йўналтирилган баёнотнинг ягона тизими доирасидаги ўзаро алоқадорлик монологик ва диалогик нутқий муносабатлар орқали далилланган;

роман имкониятлари асосида ҳикоялардаги ровий позициясининг тарафкашлиги ва бетарафлиги, роман жанри имкониятларидан самарали фойдаланишдаги ёзувчи услуби, ровийнинг роман структурасидаги роли, муаллифнинг характер яратишдаги тил имкониятларидан, яъни ўхшатиш, перефраза каби тасвирий воситалардан фойдаланишдаги маҳорати исботланган;

асар структурасида ритмнинг ўрни, унинг мазмуний ва шаклий воситаларга боғлиқлиги, ритмик бирликларнинг қаҳрамон ва персонажлар нутқидаги аҳамияти, ритм ҳосил қилувчи тиниш белгилари – кўп нуқта, қўштирноқ, сўроқ, ундов белгилари бадиий матнда етакчи шаклий восита эканлиги асосланган;

ёзувчи услубидаги ўзига хос жиҳатлар асар қаҳрамонларининг салбий характерларини шакллантиришда уларнинг ўз-ўзини фош этиш, деталларга хос динамиклик ва функционаллик, ироник ифодалардан фойдаланиш орқали унинг XX аср ўзбек насри тараққиётидаги ўрни исботланган;

адибнинг ҳикоя, қисса, романлари таҳлили орқали унинг бадиий-эстетик қарашлари маъқуллаган ва маъқулламаган эстетик идеали тимсоллар ва прототиплар асосида образ яратиш, характерларни ишонарли чиқишидаги услубий маҳорати далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ўзбек насрида ровий позицияси ва функцияси масалаларини ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик ва тарихий аспектда тадқиқ этиш воситасида чиқарилган назарий ва илмий хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, ўзбек адабий танқиди тарихи, ҳозирги адабий жараён, бадиий таҳлил асослари каби фанлардан яратилган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

насрий асар қонуниятлари асосида назарий қарашларни ижодкор асарлари мисолида тадқиқ этишга қаратилган ёзувчи эстетик идеалини яратишда унинг маҳорати очиб берилган;

ёзувчи ижодида образ, характер, тип яратишдаги услубий ўзига хослиги қиёслаш воситасида таҳлил қилинган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган монография ва илмий мақолалар талаба ёшлар ва ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидини шакллантириш ҳамда насрий асарларни ўрганишдаги амалий аҳамияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Абдулла Қаҳҳор насрий асарларига ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига

мувофиқлиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танланган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметиға мослиги, назарий фикрлар ва хулосаларнинг амалиётға тадбиқ этилганлиги, адабиётшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилинганлиги, натижаларнинг ваколатли тизимлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертация материалларидан бадиий асар поэтикасини ўрганишда назарий асос сифатида, қўлланилган методологик усуллардан насрий асарларни тадқиқ этишда, ижодкор маҳоратини белгилашда, ёзувчи лабораториясини ўрганишда методологик асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олий таълим муассасаларининг магистратура ва бакалаврият йўналишлари учун янги ўзбек адабиёти, бадиий таҳлил асослари, назарий поэтика, адабиёт назарияси фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратишда, маъруза матнлари тайёрлашда, махсус курс ва семинар машғулотларини ташкиллашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. А.Қахҳор насрий асарлари поэтикаси муаммоси тадқиқи бўйича олинган илмий натижалардан:

ёзувчи насрий асарлари поэтикаси жанр хусусиятлари, образлар маънавий олами, муаллиф концепцияси масалаларининг назарий асослари таҳлилларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти 2012-2017 йилларда бажарилган ФА-1-1006-рақамли ”Қорақалпоқ халқ кўшиқларининг текстологик таҳлили ва нашрга тайёрлаш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти 2022 йил 27 январдаги 27/1 - сонли маълумотномаси). Натижада текстологик таҳлилларнинг илмий мукамаллигига эришилган.

насрий асарларда ровий функцияси ва позицияси асосидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-0-43429-рақамли ”Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти 2022 йил 21 январдаги 26/1-сон маълумотномаси). Натижада жанрларнинг назарий асослари тадқиқ этилишига эришилган.

насрий асар поэтикаси тўғрисидаги кузатишлардан “Жадид адабиёти тарихи” дарслигидаги назарий масалаларни ёритишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 538-сонли

буйруғига асосан 538-283 рақами билан рўйхатдан ўтган гувоҳнома). Натижада ушбу илмий хулосалар дарслик материалларини илмий жиҳатдан бойитишга хизмат қилган.

Диссертацияда илгари сурилган бадиий маҳорат, поэтика муаммолари тадқиқига оид илмий назарий хулосалардан, таклиф ва тавсиялардан, эришилган илмий янгиликлардан ва Абдулла Қаҳҳор ижодиётини ўрганиш ва тадқиқот ишидаги масалалардан А-1-070 рақамли “Абдулла Қаҳҳор истиқлол адабиётшунослиги кўзгусида” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Абдулла Қаҳҳор уй-музеи директорининг 2022 йил 17 августдаги 01-02/42-сонли маълумотномаси). Натижада тадқиқот юзасидан чоп этилган монография, мақола, тезис ва бошқа материаллар билан грант хулосалари ва музей фонди бойитилган.

Туркия давлати Artvin Coruh университетидаги “Абдулла Қаҳҳор ҳикоячилиги” номли амалий лойиҳада диссертациянинг ёзувчи услуби ва бадиий маҳорати қирралари тадқиқига бағишланган материалларидан фойдаланилган (Artvin Coruh университетининг 2021 йил 12 декабрдаги – Е. 4635-сон маълумотномаси). Натижада иждоқор насрий асарларининг поэтик ўзига хослигини белгилашдаги тадқиқот юзасидан чоп этилган материаллар билан грант хулосалари ва фонди бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари жами 13 та илмий-назарий анжуманларда жамоатчиликнинг эътиборига ҳавола этилган бўлиб, шулардан 5 таси халқаро, 8 таси республика илмий-назарий анжуманларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 33 та иш нашр этилган. Шулардан, 1 та монография, хорижий журналларда 4 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 13 та мақола, шулардан 15 таси республика ва халқаро миқёсида ўтказилган илмий анжуманлар материаллари ва журналларда чоп этилган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ҳажми 242 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Воқеликни бадий талқин этиш принциплари**” деб номланиб, биринчи фасл “Ривоя тарзи ва ровий функцияси” деб юритилади. Бу фаслда Абдулла Қаҳҳор насрида ровийнинг ривоя тарзи, ровийнинг бадий матндаги ўрни ва унинг аҳамияти масаласига эътибор қаратилади. Айнан шу назарий муаммолар ёзувчи ҳикоялари мисолида тадқиқ этилади. А.Қаҳҳор насрий асарларида воқеликни бадий талқин этиш принциплари, ривоя тарзи ва ровий функциясига хос хусусиятлар кўрсатиб берилади. Шунингдек, ровий позициясининг ҳикоялардаги ўрни ва аҳамияти, роман жанри имкониятларидан самарали фойдаланишдаги ёзувчи услубий маҳорати масаласи тадқиқ этилади.

Ўзбек адабиётшунослигида насрий асарлардаги ровий функцияси ниҳоятда кам тадқиқ этилган. Рус ва жаҳон адабиётшунослигида бу борада бирмунча ишлар амалга оширилган. “Демак, ҳикоя этиш муаллиф ижодкор томонидан эпик асарнинг “иккинчи даражали” субъектига (ҳикоя қилувчига) тегишли ва “воситачилик” вазифасини бажарувчи (ўқувчи билан бадий асарни боғлаб турадиган) матн парчалари тўпламидир, биринчидан ўқувчига қаратилган турли хил маълумотларни тақдим этиш бўлса, иккинчидан қаҳрамонлар ва ҳикоя қилувчининг барча мавзуларга йўналтирилган баёнотларини ягона тизими доирасида бир-бирига боғлаш ҳамдир”⁹

Ровий асар сюжетида қаҳрамонлар ҳолатини ифодалашда асосий образ саналади. У асар воқеаларини бир фокусга йиғиб, сўнг ўқувчига тақдим этади. “Бинобарин, муаллиф образи вертуал ҳодиса, амалда айтайлик персонажлар каби мавжуд эмас, вужудга келиши мумкин бўлган образ”¹⁰ дир.

Бадий асарда образ чекланган позицияда туради, уларни баъзан гоҳ салбий, гоҳ ижобий образ деб баҳолай оламиз. Аммо ровий образига нисбатан бундай муносабат билдира олмаймиз. Ровий бир вақтнинг ўзида асарнинг бадий ва структурал бутунлигини таъминловчи асосий фигура саналади. Асардаги барча нутқий жараёнларни бошқаришда, эмоционал ҳолатларни амалга оширишда ровийнинг имконияти кенг. У асар структурасида горизонтал ва вертикал томондан бирлаштирувчи асос ўқ (ось) саналади, ёзувчи ихтиёри билан асарнинг исталган жойида намоён бўла олади. Шунингдек, ровийнинг асардаги салмоғи муаллиф мақсади, жанр талабидан келиб чиқиб, турли даражада бўлиши мумкин. Ровий нутқида қуйидаги мазмуний ва шаклий элементлар учрайди: риторик сўроқ ва ундовларнинг мавжудлиги; алоҳида экспрессив ва эмоционал сўзларнинг бўлиши; ровийнинг китобхонга очик мурожаати; маслаҳати; ровий нутқида фонетик, лексик, синтактик усулларнинг ўзига хос кўринишларда намоён бўлиши кабилар.

⁹Тамарченко Н. Повествование. // Введение в литературоведение. Литературное произведение: основные понятия и термины. –Т.1. –Москва, 2004. –С. 295.

¹⁰Милюев С. “Хамса” да муаллиф образи категорияси.// Ўзбек тили ва адабиёти. –2008 йил, 5-сон. – Б.25.

Диссертацияда А.Қаҳҳорнинг “Санъаткор”, “Тўйда аза”, “Башорат” асарлари юқоридаги назарий муаммо асосида таҳлил этилган. Демак, бадий воқеликни ташкиллашда ровий функцияси етакчи бўлиб, адиб асарлари асосида яратилган тадқиқотларда ровий ривоя тарзи ва ровий функцияси масаласи деярли ўрганилмаган назарий муаммо саналади.

А.Қаҳҳор асарлари аксарият ҳолларда мавзу, ғоя, композиция, образлар нутқи каби назарий муаммолар асосида ўрганиб келинган. М.Бахтин ўз қарашларида юқоридаги муаммоларга қўшимча қилиб, автор-кузатувчи-китобхон муносабатларини ҳам кенг ёритиш зарурлигини эътироф этади. Шунга кўра: 1) ровий позициясининг адиб асарларидаги бетарафлиги; 2) бош қаҳрамон қарашларига тенглиги; 3) баъзан тарафкашлиги; 4) китобхон билан эркин муносабатда бўлиши кабилар.

Натижада, ровий вазифасини икки томонлама тадқиқ этиш зарурлиги кўрсатилган. Бадий асар композициясини ташкиллашда ва асар бадий бутунлигини таъминлашда ровий нутқ имкониятлари масаласидир. Юқоридаги назарий муаммолар асосида А.Қаҳҳорнинг “Санъаткор”, “Тўйда аза”, “Башорат” ҳикоялари таҳлил этилади.

“Санъаткор” ёзувчининг ҳажм жиҳатдан энг кичик ҳикоялари сирасига кирса-да, унда ровийнинг ўз ўрни бор. Ҳикояда ровий ривоя тарзи сиқиклиги ва аниқлиги билан ажралиб туради.

Бу мураккаб ижодий жараёни ёзувчи ўз ҳикояларида қандай бартараф этган, унинг ровий ривоя тарзини шакллантиришдаги маҳорати нималарда кўринади? Ҳикояда санъаткор нутқи етакчилик қилиб, сюжетда у ўзини фош этади. Ровий нутқида санъаткор қарашлари, берган баҳоси, атрофдагиларга бўлган муносабатлари аралаш тарзда берилади. Ровий санъаткор ҳатти-ҳаракатларининг бевосита кузатувчиси сифатида матнда намоён бўлади. Нутқ жараёнининг бузиб кўрсатилиши, атайлаб “таъбир жоиз бўлса”нинг ўрнига “таъбир жоиз кўрилса” жумласининг қўлланиши шулар жумласидандир.

Образ нутқида “таъбир жоиз кўрилса”, “культурний бўлсангиз-чи” жумлаларнинг ноўрин қўллаш натижасида “прагматик тўсиқ” пайдо бўлади. Прагматик тўсиқнинг матн таркибида қўллаш натижасида образлар ўз-ўзини фош этади. Натижада, ровийнинг изоҳий таҳлилларига эҳтиёж сезилмайди. Бу ижодий усул эса ҳикоя сюжетида ровий иштирокини камайтиради. Айнан шу усул ҳикоянинг жанр табиатига жуда мос тушиб, эпик баёнга эҳтиёж қолдирмайди. “Ҳикоя этиш” тушунчаси адабиётда турли маъноларда қўлланилади. Тор маънода, бу бир марта содир бўлган ва давомийликка эга бўлмаган воқеани сўзлар ёрдамида ифодалаш бўлса, кенг маънода эса тасвирлашни ўз ичига олади, бирон бир турғун, қўзғалмас нарсаларни сўзлар ёрдамида тасвирлаш ҳамдир”¹¹.

Адибнинг “Тўйда аза” ҳикоясида ҳам комиклик билан фожиавийлик ёнма-ён келади, ҳикояда ровий иштироки ва позицияси “Санъаткор” ҳикоясидагидан фарқланади. Чунки ҳикоянинг ҳар икки қаҳрамони домла

¹¹Хализев В. Теория литературы. – Москва: Академия, 2013. – С.299.

ҳам, келин ҳам сюжетда бир оғиз гап гапирмайди, натижада ровийнинг изоҳловчи нутқи талаб этилади. “Санъаткор” ҳикоясига қараганда унинг иштироки анча салмоқли.

Мухторхон домланинг ёш йигитлардай кийиниши, ёшига номуносиб хатти-ҳаракатлари китобхонда кулги кўзгатади. Унинг бу ҳаракатлари замирида маънавий фожиаси ифодаланган. Асар номида келтирилган тўйда аза аслида, тўйдан кейин бўлади, ҳикоя сюжетида бўлаётган воқеаларга ровий муносабат билдирмайди, аралашмайди, оддий ахборот берувчи, кузатувчи сифатида иштирок этади. Муаллиф томонидан яратилган кулгили, аммо кинояга бой ситуациялар ёзувчи ниятини амалга оширишда асосий роль ўйнайди.

“Башорат” ҳикоясидаги ровийнинг иштироки ҳақида шундай хулосага келиш мумкин: “Кескин бурилишлар нуқтасида” ровий вазифаси муҳим ва умумий аҳамияга эга эканлиги; 2) замон ва макон ўзгаришлари тифизлашган ўринларда ровий иштирок салмоғининг янада кенгайиши; 4) турли сюжет кўринишида ровий изоҳига зарурат сезилиши.

Воқеликни бадиий талқин этишда ровий ривоя тарзи муҳим ҳисобланиб: асар композициясини ташкиллашда; асар бадиий бутунлигини амалга оширишда, сюжетнинг изчиллигини таъминлашда асосий фигура саналади.

Иккинчи фасл “**Ҳикояларда ровий позицияси**” деб юритилиб, бу фаслда адибнинг “Бошсиз одам” ва “Майиз емаган хотин” ҳикоялардаги ровий позициясига тўхталиб ўтилади. Ҳар икки ҳикоядаги ровий позицияси мисоллар орқали таҳлил қилинади.

Ёзувчининг “Бошсиз одам” ҳикояси бадиий жиҳатдан мукаммал асарларидан бири саналади. Ҳикоя ровий нутқи билан бошланиб, унда Нисо буви ҳақида маълумот келтирилади. Муаллиф тасвир баёнида аниқ маълумотлар бериш билан бирга, секин-аста иккиланиш, гумонсираш тенденцияларини ҳам бериб боради. Сюжетнинг кейинги қисмларида иккиланиш оҳанги янада кучайиб боради. Ровий нутқида: “Бунга ҳамма ҳам ҳайрон қолди. Бу тўғрида баъзилар: “Нисо буви илгари ҳам уста Абдурахмон билан дон олишиб юрар экан” – деган гапни қилишди, баъзилар: “Бечора нима қилсин иккита боласи бор, уста Абдурахмоннинг ҳам ўлган хотинидан ўғли бор. Вақти келганда тили қисилмайдиган иш қилибди-да...“ дейишди”¹².

“Тўйда аза”да, “Қариган чоғида хўрозқанд яламай, домла ҳам ўлсин” деган луқма ҳам шулар жумласидандир. Ҳикояларда келтирилган ўзгалар луқмаси сюжет воқеаларини ривожлантиради, ровий нутқини асослайди, образлар ҳақида аниқ маълумотлар беради.

Парантез матн ичидаги киритма сўз ва жумла бўлиб, А.Қаҳҳор ўз ижодида бу усулдан унумли фойдаланган. ”А.Қаҳҳор ҳикояларида киритмаларни қўллаш орқали персонаж нутқи ичидаги баённи ихчам ва аниқ

¹². Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. –Б. 258.

бўлишига, китобхон учун ноаниқ бўлган қўшимча маълумот ва изоҳларни ифодалашга эришган”¹³.

Адибнинг аксарият ҳикояларида учрайдиган ўзгаларнинг киритма гапларида ирония етакчилик қилади. Бу каби киритмалар ҳикоя мазмунига ижобий таъсир этади. “Ўзга ким, у нима иш билан шуғулланади, иштирокчиларга унинг қандай алоқаси бор?”– тарзидаги саволларга жавоб беришга ўрин қолдирилмайди.

Абдулла Қаҳҳорнинг услубий маҳорати матнда куйидагиларда кўринади: 1) жанр табиатидан келиб чиқиб абазацларга эпик баённи сингдира олишида; 2) ҳаракатларнинг бадиий матнда кенг қамровлигини таъминлашда; 3) салбий образларнинг ўз-ўзини фош этишида; 4) ўзгарувчан макон ва замон, воқеаларини бир-бирига пайвандлай олишда.

Келтирилган ижодий усулларнинг барчаси ровийнинг бадиий матндаги функцияси билан боғлиқ жараён саналади.

“Бошсиз одам” ҳикоясида салбий образларга нисбатан ровийнинг атайлаб ижобий муносабатда бўлиши, ўқувчига эмоционал таъсир ўтказиши ёзувчининг ижодий усули эканлиги, бадиий воқеликни “акслантириш”да, саргузашт ва реалистик элементларнинг мавжудлиги, “пайвандлаш” зарурати, ровийнинг сюжетда ортиқча тафсилотларга берилмаслиги, ровий воситасида композиция элементларининг бир-бирига пайвандлай олиши, поэтик тасвирда муболаға, шартлилик каби элементлардан меъёрида фойдалана олиши воқеликни бадиий “акслантириш”да етакчи тамойил ҳисобланади.

Бобнинг учинчи фасли **“Ёзувчи услуби ва жанр имкониятлари”** деб номланади. Бу фаслда роман жанрининг ўзига хос хусусиятлари “Сароб” романини яратишда муаллиф жанр имкониятлари қандай фойдаланганлиги, образ яратиш, бадиий матнни ташкил этишда ёзувчининг жанр имкониятларидан фойдаланганлик даражаси ҳақида сўз юритилади. Ёзувчининг ижодий индивидуаллиги ва маҳорати масаласига эътибор қаратилади, илмий-назарий хулосалар чиқарилади.

А.Қаҳҳор ижодида “Сароб” алоҳида аҳамиятга эга асар саналади. Ушбу роман яратилгандан буён турли тортишув ва қарашларга сабаб бўлмоқда. Роман ёзилган даврда, 1934-1935 йилларда жуда кўп тақризлар ёзилиб, турли фикрлар айтилди. Кейинчалик, 1948-1949 йилларда ҳам романга турлича қарашлар бўлди.

Истиқлолдан кейин роман атрофида турли баҳс ва мунозаралар кизиби кетди. Адабиётшунослар М. Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Р.Қўчқор, О.Отахон, Й.Солижонов, Х.Ҳамроқулова ва бошқаларнинг илмий изланишларида бу тенденция яққол кўринди.

Ҳ.Абдусаматов “Романда ижобий персонажларнинг салбий кучларга қарши олиб борган кураши деярли сезилмайди”,¹⁴–деса, М.Қўшжонов

¹³ Жамолиддинова Д. Абдулла Қаҳҳор ижодида парантез конструкцияларнинг лингвопоэтик хусусиятлари. Таълим тизимида Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганиш ва унинг маънавий-тарбиявий, эстетик аҳамияти. – Фарғона: Полипресс, 2007. – Б. 116.

“Саидий ўзбек адабиётида буржуа худбинлигини ўзида мужассамлаштирган биринчи мукамал образдир,”¹⁵ – деб таъкидлайди. Ушбу фикрлардан шу нарса маълум бўлдики, улар 60-70-йиллар тамойиллари асосида “Сароб”га муносабат билдиришган. У.Норматов “Мафкуравий-сиёсий тазйиқ ва истеъдод кудрати” мақоласида Муродхўжа домла образини мукамал деб билиб, бошқа персонажларни у даражада ёритилмаганини асарнинг камчилиги деб ҳисоблайди. Асар сюжетиға мантиқан ёндашилса, бош қаҳрамон Раҳимжон Саидий фонида Муродхўжа домланинг характер қирралари очила боради. Саидий домланинг қизига уйлангани боис, тақдир иплари бевосита Саидий билан боғлиқ эди. Ушбу мақолада У.Норматов: “Гарчи Саидий зиёли журналист, ёзувчи бўлса-да, моҳиятан Сотиболди, Туробжон, Қобил бобо, Бабарлардан айтарли фарқ қилмайди. Унда Аллох берган бир инсон боласига лойиқ ақл-идрок, инсоний туйғу, ҳусн, куч-қувват бор, бироқ унда қатъият ва сабот йўқ”¹⁶ – деб таъкидлайди. Саидий образини юқоридаги образларға тенглаштирилиши, улардан “фарқ қилмайди” деб баҳоланиши бизнингча, бир жиҳатдан тўғри, лекин номлари келтирилган юқоридаги образлар мутелиги, саводсизлиги, химоячиси йўқлиги, соддалиги, гўллиги билан Саидийдан мутлақо фарқ қилишини ҳам уқтиришимиз лозим.

Адабиётшунос Ҳ.Ҳамроқулова “Сароб” романида шахс фожиаси ва унинг танқидчиликда ўрганилиши” мақоласида М.Қўшжонов, О.Шарафиддиновларнинг фикриға эътироз билдириб, Саидий худбин шахс эмаслигини таъкидламоқчи бўлади: “Саидийнинг, Мунисхоннинг табиийлигиға ва ҳеч қандай худбинлик иллатининг йўқлигиға ишонамиз. Бу масаланинг бир томони, иккинчидан худбин инсон ҳар қандай ишға собит мақсад ва ақл билан ёндашади, ўз ҳиссиётларини жиловлай олади, худди Лермонтовнинг Печорини ёки Мопассаннинг Дюраси сингари, Саидийда бу ҳол аниқ кўзға ташланмайди. У ҳиссиётға асир инсон”

Абдулла Қаҳҳор Саидий характеридаги худбинлик иллатларини романда босқичма-босқич кўрсатиб берган. Ҳ.Ҳамроқулова сюжетдаги ўзи келтирган бир ўринға диққатини қаратиб, айнан шу асосида хулоса чиқаради. Саидий ёқтирмаган курсдошини домла сўкканида, тор туфлисини ечган кишидек яйраб кетиши, маст бўлиб қолган дўстларини кўрганда, уларға нисбатан ўзининг тетиклигини ҳис қилиб, қувониб қўйиши, Илҳом ва Кенжаларға нисбатан мажлисларнинг олдинги қаторида ўтирганида катта одам бўлиб қолганидан ҳаволаниши, ҳатто опасининг аввалги илтижоларига қулоқ солмай, сўнг унинг яшаш ҳақидаги орзуларини эслаб, оёқларини синдириб, ўзини ит каби ғажиб ташлашға тайёрлиги худбинликнинг асл кўринишидир.

“Сароб” романи 20-йилларда ўзбек воқелигини сиртдангина эмас, ичдан ҳам теран акс эттирган, том маънода юксак ғоявийлик билан сўфорилган,

¹⁴ Абдусаматов Ҳ. Абдулла Қаҳҳор. – Тошкент: Ўздавнашр, 1960. – Б.54.

¹⁵ Қўшжонов М. Ҳаёт ҳақиқати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б.199.

¹⁶ Норматов У. Мафкуравий-сиёсий тазйиқ ва истеъдод кудрати. // Жаҳон адабиёти. – 2001 йил, апрель. – Б.60-62.

психологик характеристикаларнинг мукаммалиги билан, бадий баркамоллиги билан ажралиб туради.”¹⁷

Шунингдек, кейинги йилларда ҳам “Сароб” романи асосида қатор тадқиқотлар олиб борилди, М.Кўчқорова “Сароб”нинг матносни сирлари” мақоласида роман борасидаги илк танқидий чиқишлардан тортиб, то шу бугунги кунга қадар яратилган тадқиқотлар, диспутлар, талқинлар масаласига тўхталиб, ҳар бирига ўз муносабатини билдиради. “Сароб” нафақат, танқидчи олимларни, ҳатто муаллифнинг ўзини ҳам энг кўп ўйлантирган, изтиробга солган асарлардан бири. Бундай дейишимизга сабаб, адиб архивида сақланаётган хатларнинг мазмунидир. Абдулла Қаҳҳор шогирди П.Қодировга ёзган мактубларининг деярли ҳар бирида “Сароб” ва унинг рус таржимонларига тўхталади. Адиб мактубларидан бирида “Сароб”даги ижобий типларни қайта ишлаб, кўтариш ниятим йўқ” – деган очиқ жавобни ёзади¹⁸.

Муаллиф индивидуаллиги романнинг куйидаги ўринларида кўринади:

- 1) муаллиф асар бош қаҳрамони фикрига қарама-қарши чиқишида;
- 2) матндаги ҳар бир сўз роман сюжетига бадийлик бахш этишида;
- 3) ўхшатиш ва қиёслашлар халқчилиги билан ажралиб туришида.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **”Бадий асар қурилишида ритм ва уни ташкиллаш тамойиллари”** деб номланиб, бу боб уч фаслни ўз ичига олади. “Асар қурилиши ва ритм” деб номланган биринчи фаслда ритм ҳақида тушунча, унинг насрий асардаги ўзига хослиги, ритм ҳосил қилувчи мазмуний ва шаклий воситалар хусусида фикр билдирилиб, “Даҳшат” “Ўғри” ҳикояларидаги ва “Сароб” романдаги ритмнинг шаклий ва назарий асослари ўрганилади.

Ритм (юн. – тенг ўлчовлилик) – кенг маънода муайян бўлақларнинг маълум вақт оралиғида тартибли такрорланиб туришидир. Бу маънодаги ритм борлиқдаги жуда кўн нарса-ҳодисаларда бор. Ритм табиий равишда инсон нутқига ҳам хос”дир.¹⁹

Ритм бадий асардаги муҳим назарий масалалардан бири саналади. Шунинг учун жаҳон адабиётшунослигида бу назарий муаммо атрофлича ўрганилган. Ф.Шеллинг “Ритм табиат ва санъатнинг ҳайратомуз сирига мансуб нарсадир”, – деб таъриф берган. Ритм масаласи жаҳон адабиётшунослигида кенг ўрганилган бўлиб, ўзбек адабиётшунослигида ҳам бу масалага тўхталиб ўтилган. Жумладан, Ҳ.Каримовнинг “Ритм - асар юраги (наsr ритмига доир” мақоласи ана шундай мақолалар сирасига киради.²⁰ Мақола муаллифи ритм масаласида қилинган тадқиқотларга эътибор қаратиб, В.Мейлах, Е.Эткинд Е. Волков, Н. Фортунатов, В.Колопова ва бошқаларнинг изланишларида классик асарлар мисолида ритмнинг тадқиқ этилганлигини эътироф этади. Юқоридагилардан ташқари, Л.Чичериннинг “Образ ритми”

¹⁷ Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2009. –Б.196.

¹⁸ Кўчқорова М. “Сароб” нинг матн ости сирлари. Ziyouz.uz . *Илм ва фан* ва адабиёт саҳифаси;.

¹⁹ Куронов Д, Мамажонов З, Шералиева М.Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Академнашр, 2013. –Б 252.

²⁰ Каримов Ҳ. Ритм – асар юраги (наsr ритмига доир). www.literature.uz.

(1973) ва М. Гиршманнинг “Бадий насрда ритм” (1982) рисолалари ҳам айнан шу муаммога қаратилган. Бироқ Л.Чичерин рисоласининг номи гарчи, “Образ ритми” деб юритилса ҳам рисолада ритмнинг назарий жиҳатлари ўрганилмаган. Муаллиф ўз эътиборини образлар ритмига қаратган. “Турли персонажларнинг бир-бирига қиёслаганда романнинг кўп ритмлиги кўзга ташланади. Шарль Бовари ўз ритми билан намоён бўлади. Шарлнинг саросимали, тартибсиз ҳаракатлари Эмманинг босиқ, мақсадли ҳаракатларига жуда ўринли қарама-қарши қўйилади”²¹.

Ўзбек адабиётшунослигида, У.Тўлаганованинг “Ёзувчи услуби намоён бўлишида ритмнинг ўрни” мақоласини соҳанинг ўрганишдаги дастлабки қадамлардан бири дейиш мумкин. Мақола маллифи ёзувчи Тоғай Мурод асарларидаги ритм масаласига тўхталган. “Тоғай Мурод ижод жараёнида фикрни аниқ, изчил ифодалашга, мисралардаги бўғинлар тенглиги, ўлчамлилик, узлуксизлик, давомийлик, ички уйғунликка эришишга, қофиялар, сажъ каби ритмни ҳосил қилувчи воситаларга аҳамият берган”²².

Адибнинг “Башорат” ҳикоясидаги матнга мурожаат этамиз: “У хужрага кириши билан / бирварақайига гўё қиёмат кўпди// Кўчада югур-югур, /шовқин / итлар вангиллаган, / товуклар қийқиллаб қочган; / гурсиллаб деворлар йиқилади, / шарақлаб дарахтлар қулайди. //”²³.

Гапдаги ритмик бўлақлар тартиби	1	2	3	4	5	6	7	8
Ритмик бўлақлардаги товуш ва сўз бўлақлар сони	4	4	3	1	2	3	3	3

Асар кульминациясида ритмни вазият тақозоси билан тезлашганини кузатамиз: “Қирингиз!/ Қуритингиз!// Экиндан кўкнор// Жон эгасидан тошбақа билан пашша қолса бас!//От қўйингиз!//Ғазот.// Қишлоққа ўт қўйингиз.// Ҳаммасими?// От//Ҳеч ким қолмадими?// Ҳозир хабар олдилинг!// //Афғонистон йўлига киши чиқаринг!//”²⁴.

Берилган матнда воқеа ва ҳодисалар ўзгариши натижасида бош қаҳрамон рухий ҳолати ҳам ўзгаради. Натижада, унинг нутқ оҳангидаги бир хиллик, сокинлик секин-аста шиддат ва кескинлик касб этиб, ўзгаришга учрайди.

Гапдаги ритмик бўлақлар тартиби	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Ритмик бўлақлардаги товуш ва сўз бўлақлар сони	1	1	2	7	2	1	3	1	1	3	3	4

Паузалар ўртасида қўлланилаётган нутқ бирликларининг ўлчами ҳар хил тарзда шаклланади. Бу эса ритмнинг кескин ўзгаришини таъмин этади.

²¹ Чичерин А. Ритм образа. –Москва: Сов.писатель,1980. –333 с.

²²Тўлаганова У. Ёзувчи услуби намоён бўлишида ритмнинг ўрни. // Тил ва адабиёт таълими. –2007 йил, 3-сон. – Б 54.

²³ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Ғ. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б.301.

²⁴Юкоридаги манба. – Б.300–301.

“Парцелляция (фр.parcelle – узв, бўлак)– нутқ ифодавийлигини ошириш усулларида бири, мелодика билан боғлиқ нутқ фигураси; битта жумла таркибидаги бўлакларнинг интонацион жиҳатдан алоҳида гап шаклида берилиши. Парцелляцияга учраган бўлаклар ёзувда тиниш белгилари билан ажралади”.²⁵ Биз юқорида келтирган мисолларимизда парцелляцияга учраган мисоллар кўп бўлиб, улар матн оҳангини белгилашда хизмат қилади.

Насрий асарларда ритм юқоридагилардан ташқари: 1) муаллифнинг бадий воқеликни шакллантириш жараёнидаги ҳолатига; 2) воқелик мазмунига; 3) образлар хусусиятларига; 4) тасвир жараёнидаги образлар руҳиятига; 5) конфликт турларига; 6) образларнинг психофизиологик ҳолатига боғлиқ.

Образ руҳиятидан келиб чиқиб бадий матнда турли мазмундаги “микроритм” ҳам яратилади.

Бобнинг иккинчи фасли **“Бадий асар сюжет турлари ва элементларида ритм”** Бу фаслда хроникал, ретпроспектив, ассоциатив, концентрик сюжетда ритмнинг ўзгарувчанлиги адибнинг қатор асарлари мисолида таҳлилга тортилади. Ритм ҳосил қилувчи воситаларга эмоционал сўзлар, кириш сўзлар, катта ва кичик паузалар, туроқларнинг содда, мураккаб тузилишлари, туроқлар ўртасидаги сўзлар иштироки киради. Тиниш белгиларидан кўп нукта, кўштирноқ, сўроқ белгиларининг фаол иштироки шаклий белгилар сифатида адиб асарларида кузатилади. Улар образлар руҳий ҳолати ва муаллиф ниятини амалга оширишда асосий восита сифатида бадий матнда иштирок этади. Фразеологик иборалар иштироки ритм оҳангини белгилашда муҳим восита саналиб, асосий мазмуний восита ҳисобланади. Бундан ташқари, сўз такрори, сўз тушиши, товуш тушиши, орттирилиши кабилар нутқ фаолияти билан боғлиқ жараён сифатида матнларда кузатилади ва улар асар ритмини ҳосил қилишда етакчи фигуралар ҳисобланади.

Ритмик ўзгарувчанлик бир вақтнинг ўзида ровий эпик баёнида ва образлар нутқида юз бериши мумкин. Бадий нутқни акслантиришда муаллиф паузалар, тил бирликлари ва тиниш белгилардан фойдаланиб, бадий асар ритми (вазн, маром, мақом)ни яратади. Шу маънода ритм ҳосил қилувчи воситаларни шартли равишда мазмуний ва шаклий воситаларга ажратиш мумкин(бу терминлар тадқиқотда илк маротаба қўлланиляпти).

Бундан ташқари, ритм тактлар ўртасида иштирок этаётган сўзларнинг лексик-семантик мазмуни, гаплар мазмуни, уларнинг стилистик тузилишига ҳам боғлиқ жараёндир. Сўз, бўғин, товуш кабилар ҳам ритмик бирликларни ташкил этиши мумкин. Бадий асардаги ҳар бир бўлим ва қисмлар маълум маънода ритмик бирликларнинг ташкил этувчиси саналади. Масалан, абзацлар ҳам насрий бўлак қисмларини ташкил этувчи ҳисобланиб, юқорида таъкидлаганимиздек, маълум миқдордаги гаплар гуруҳи бўлади. Улар бир нечта содда ва кўшма гаплардан ташкил топиб, айнан шу қисмдаги ритмик

²⁵ Қуронов Д, Мамажонов З, Шералиева М.Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. –Б.28.

бирликлар саналади. Бундан ташқари, ритмни ташкил қилишда сўз ва гап такрорлари ҳам иштирок этади. Кейинги йилларда яратилган насрий асарларда шундай шаклга эга бўлган бадий асарлар яратилди: “Идора олдида улкан мажлис бўлди.// Мажлис раис сайла – сайла бўлди. //Тўртта эътиборли одам номзоди айтилди. //Жумладан, //Бўри полвон номи-да айтилди. //Қўл кўтар-қўтар бўлди. //Қўл савр-савр бўлди. //Бўри полвон колхоз раиси бўлди.// Раис бўлиб иш буюртириш осон,// йўл-йўриқлар бериш осон,// қоғозларга қўл қўйиш осон// Ижро!// Ижро этиш қийин//”²⁶.

Келтирилган матнда сўз такрорларининг ҳам алоҳида ритмик оҳанглар ташкил қилади”.

Ҳар бир ижодкор асарларидаги ритм унинг ижодий услубидан келиб чиқиб турли кўринишда бўлади. Л.Толстой асарларининг ритмик хусусиятлари, И.Тургенев ижодидаги бу каби ҳолатлардан фарқланиши манбаларда эътироф этилади. И.Тургенев ижодидаги ритмик ҳолатларнинг тез ўзгарувчанлигининг асосий сабаби эмоционал ҳолатлар асарларида кўплиги билан изоҳланади.

Гап таркибида келган уюшиқ бўлақлар, кириш сўзлар, ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи сўзлар, тиниш белгилар иштироки кабилар ритм шаклланишида, матн оҳангини белгилашда асосий восита саналади.

Бадий асар шакли ва мазмуни билан боғлиқ бўлган ритм баъзан асарнинг сюжет турлари ва унинг элементларида ҳам ўзига хос шакл ва оҳангга эга бўлади. Сюжетнинг хроникал, ретроспектив, ассоциатив, концентрик турларида улар иштироки ўзига хос равишда талқин этилади. Насрий асарларда ритм масаласи айнан сюжет турларига боғлиқлиги ва ўзига хослиги кузатилади.

Бадий воқелик баёнини бир маромда ифодалайдиган хроникал сюжетда бир хил ритм кузатилади. Сюжетнинг бу кўриниши асосан автобиографик асарларда етакчилик қилади. “Ўтмишдан эртақлар” қиссасида воқеалар қанчалик драматизмга бой бўлишига қарамай, муаллиф уни бир маромда, эмоционал ҳолатларга берилмасдан баён қилади. Хроникал сюжетда ритм бир хил оҳанг ва бир тартибда шаклланади. Чунки воқеа-ҳодисаларнинг тез шиддат билан ўзгарувчанлиги хроникал сюжетда у қадар сезилмайди. “Ўтмишдан эртақлар” асарида ҳам ана шундай баён оҳанги етакчилик қилади: “Бундан ўттиз йил бурун/ мен у кишининг йигирма икки томлик тўпламини қўлимдан қўймасдан ўқиб чиқдим.// Шунда аломат бир ҳодиса юз берди:/ шу билан муҳтарам устод менга гўё / муборак кўзойнақларини бердилар-у:/ “Мана буни тақиб, / ўз халқинг ўтмишига назар сол!”// деди”²⁷. Берилган матнда бир хил оҳанг кузатилиб, эмоционал-экспрессив сўзлар иштирок этмайди.

²⁶ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. –Тошкент: Шарқ, 1987. –Б.63.

²⁷Абдулла Қаҳҳор . Асарлар. Беш жилдлик. Учинчи жилд. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б.188.

Ретпроспектив сюжетда воқеа ва ҳодисаларни орқага қайтариш ҳолати кузатилади. Натижада, ритм воқеа-ҳодисалар мазмуни ва образлар руҳий ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Улар баъзан бир хил оҳангда ўқилса, баъзан ўзгаради. Айнан шу сюжет кўринишида ритмик ўзгаришлар тез-тез кузатилади. Масалан, ёзувчи мақолаларининг бирида “1960 йилда ўзбек аёлининг ўтмишига оид /“Даҳшат” деган бир ҳикоя ёзган эдим.// Бу ҳикояда саккизта аёлни Олимбек додхонинг ҳарамига қамаб қўйганим / бир аёлга ҳақорат бўлиб тушибди.// Имзосиз, адрессиз юборилган хатда шундай сатрлар бор//”²⁸ дея қайд этади.

Берилган матнда бўлиб ўтган воқеалар хроникал тарзда ёдга олиниб, бир хил баён оҳанги етакчилик қилади. 6,6,9,5,7 туроқланиш нисбатига эътибор бериладиган бўлса, 5-7 тарзда шаклланган бўлиб, оҳанг шиддатини ўзгартирувчи қисқа туроқлар, яъни 2-3 тарздаги кўриниши умуман учрамайди. Бу ҳолат хроникал сюжетдаги туроқланишнинг асосий тамойили саналади.

Ассоциатив сюжетда ҳам ритм асар иштирокчиларининг ҳолати ва ровийнинг тутган позициясига қараб белгиланади. Бу сюжетда воқеа-ҳодисалар образларнинг ўй-хаёллари асосида баён этилади. Иштирокчилар руҳий ҳолати, воқеа-ҳодисалар мазмун-моҳиятига қараб ритм ассоциатив сюжетда ҳам ўзгариб боради. Ритм ҳосил қилувчи воситалар ритм талабидан келиб чиқиб қўлланилади. А.Қаҳҳор ўз ижодида ассоциатив сюжетдан кам фойдаланган. Унинг “Ўтмишдан эртақлар” асарида тасвирланган воқеа-ҳодисалар ёш Абдулла хотиралари асосида берилишига қарамай, ассоциатив сюжетнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Бироқ асарда ассоциатив сюжетдан фойдаланилса-да, ровий баёни етакчилик қилиб, унинг баён ритмида бир хиллик етакчилик қилади. ”Бир куни уйимизга дадамнинг овчи жияни келди.// У Пастқўриқда ов қилиб юрган экан, / ўқи тугаб, бизникига ўқ ясагани келибди.// Мен онамнинг “ўққа яқин борма”/ деб ҳайҳайлаб туришига қарамай, /овчининг ўқ ясабини томоша қилиб турдим.// Меҳмон милтиқ доридан пичасини ёқиб, /усти қизил ва ичи оқ пистондан/ биттасини ёқиб кўрсатди. //Пистон қарсиллаганда, /мен чўчиб тушдим, /кейин завқ қилиб ирғишладим”//²⁹.

Туроқланиш шаклидаги сонлар нисбатида фарқ деярли сезилмайди: 7,6,6,6,4,6,5,6,2,3,4. Жуфтлик ҳосил қилувчи туроқларда сон жиҳатдан бир хиллик ва яқинлик кузатилди, 7-6,6-6,4-6,5-6,2-3 каби. Берилган воқеалар муаллиф ассоциялари асосида тикланади ва ровий баёни кўринишида бир хил оҳангда ифодаланади.

Концентрик сюжетда асар воқеа-ҳодисалари, образлар хатти-ҳаракатлари ровий томонидан, ёки асарнинг бирор иштирокчиси томонидан таҳлил қилинади. Айнан шу ҳолатдаги ритм асар мазмуни ва иштирокчиларнинг руҳий ҳолати билан боғлиқ жараён сифатида ўз ифодасини топади. Ҳикоя матни билан таниш бўлмаган китобхонга ровий

²⁸Юқоридаги манба. – Б. 189.

²⁹ Юқоридаги манба. –Б. 191.

нутқида ҳам ритмик ўзгариш бевосита асар мазмуни, образлар ҳолати билан боғлиқ тарзда ўзгарувчан оҳангни ташкил қилади. Концентрик сюжетда муаллиф позицияси унинг воқелик ва образларга бўлган муносабатида кўринади. Концентрик сюжетнинг бу жиҳати муаллиф позицияси билан боғлиқ жараён сифатида аниқ кўринади. “Деталлар функционаллиги ва динамикаси“ деб номланган учинчи фаслда деталларнинг функционаллиги ва динамикаси масаласи адибнинг “Сароб” романи ва қатор ҳикоялари мисолида таҳлилга тортилади. Қўйилган назарий муаммо бадиий таҳлил методи асосида тадқиқ этилиб, назарий хулосалар чиқарилади.

Адибнинг “Анор” ҳикоясида анор детали характерларнинг шаклланишида катализаторлик вазифасини бажаради. “Структурал талқинда бош қаҳрамон – Туробжон ҳам, унинг хотини ҳам эмас, Анор! Анор конфликтининг бош сабаби ҳам, сюжетдаги тугун, ечим ҳам анорга боғлиқ“.³⁰ Ҳикоя муаллифи деталнинг шу жиҳатларни ҳисобга олганлиги учун ҳам анор детали ўзининг бадиий қимматини йўқотмаган, мавзунинг давомийлигини таъминлаган. Ҳикоя ечимида не машаққат, қийинчилик, виждонга қарши чиқиб олиб келинган анорлар уйнинг ўртасига сочилиб кетди. Гўё Туробжоннинг умри ҳам худди ўзи олиб келган анорлари сингари сочилиб кетгандек, умри ҳам шу анорлар сингари бесамар кетгандек туюлди. Анор детали ҳикояда тадрижий тараққий этиб динамикликка эришади. “Анор” ҳикоясида деталлар мажмуаси иштирок этиб, уларнинг барчаси бош деталга хизмат қилади. Шунингдек, бу фаслда “Сароб”, “Тўйда аза” ҳикояларидаги деталлар функционаллиги ва динамиклиги масаласи ҳам таҳлил этилади, илмий-назарий хулосалар чиқарилади.

Адибнинг “Синчалак” қиссасида ҳам деталлар фуқционаллигини кузатиш мумкин. “Дунёда бунақа жониворлар жуда кўп, Арслонбек ака, – деди, – Хўроз ҳам “мен қичқирмасам тонг отмайди,” деб ўйлар экан”³¹. Бу ўринда деталлар оддий тасвир элементи сифатида қўлланилганда образнинг ички дунёси ва унинг кечинмалари, психофизиологик ҳолатларини бу даражада кўрсатмаган бўлар эди.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Тўйда аза” ҳикояси нафақат ёзувчи ижодида, балки ўзбек адабиётида ҳам жуда катта бадиий қимматга эга бўлган асарлар сирасига киради. Икки портрет ўртасига контраст усули образ умуммоҳиятини очиб беришдан ташқари, асарнинг бадиий ғоясига ҳам хизмат қилади.

Демак, деталлар ёрдамида асарларда образли ифодалар яратилади. Деталларнинг динамиклик даражаси “Тўйда аза”, “Башорат” ҳикояларида санъат даражасига кўтарилган, деталларга қуйидаги вазифалар юклатилган: 1) образ руҳий оламини очиш; 2) иштирокчилар муносабатларини кўрсатиш; 3) образлар маънавий дунёсини белгилаш; 4) асар конфликтини ривожлантириш, 5) муаллиф концепциясини амалга ошириш.

³⁰ Болтабоев Ҳ. “Анор” ҳикоясининг структурал таҳлили. // Таълим тизимида Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганиш ва унинг маънавий-тарбиявий, эстетик аҳамияти. – Фарғона: Полипресс, 2007. – Б. 116.

³¹ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. Учинчи жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1987. – Б. 89.

Учинчи боб **“Образ ва характер яратиш маҳорати”** деб номланиб, унинг “Реалистик образ ва прототип” деб номланган биринчи фаслида адиб асарларидаги характер яратиш масаласига тўхталиб ўтилади.

Бадиий адабиётни образларсиз тасаввур этиш қийин. Ҳар қандай асарда у ёки бу даражадаги образлар иштирок этиши табиий. Насрда бадиий образ яратишда икки хил усул қўлланилади: биринчиси, ёзувчи ўз тафаккури, ижодий тажрибаси асосида образ яратса, иккинчиси, ёзувчи ҳаётдаги мавжуд кишилар характерини ўрганиб, уларни кузатиб, яъни прототиплар асосида образ яратади. “Ёзувчи томонидан бирор бадиий образга асос қилиб олинган реал шахс прототип дейилади. “Прототип” юнон тилида “илк образ” демакдир”³².

А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” қиссасидаги воқеа-ҳодисалар, тарихий шахслар бевосита реалистик образлар яратишда муаллифга ёрдам беради. Адиб ижодини ўрганиш жараёнида “Ўтмишдан эртақлар” қиссаси у яратган кўплаб образларга асосий манба бўлганлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, “Ўғри”, “Бемор”, “Анор”, “Минг бир жон”, “Бошсиз одам” ҳикоялари ва “Сароб” романидаги образларнинг аксариятини яратилишида ўзи кўрган ва билган кишиларнинг қиёфаларидан фойдаланиб образлар яратган.

“Ўтмишдан эртақлар”да шундай эсланади: “Ҳар куни кечаси дадам билан Кулала дала айланиб, яширинча хашаки тут қоқиб келишар эди. Тез кунда бу серуруғ, шилимшиқ мева кўнгилларга тегди, ҳарчанд оч бўлсак ҳам, оғизга олгани юрагимиз безиллар эди. Шундан кейин унинг сувини сузиб, шинни қиладиган бўлдик. Бу ҳам жонга тегди. Шиннини кўришим билан оғзим сув очар, кўнглим айнир эди. Укам Умарали шиннилик косани кўрса ҳам ўз-ўзидан ғингшийдиган бўлди. Умарали бирор ножўя иш қилса, мен уни “Ҳозир шинни ялатаман!–деб кўрқитардим”³³.

Адибнинг фақат “Ўғри” ҳикоясида эмас, “Бемор”, “Анор”, “Минг бир жон”, “Сароб”, “Синчалак” каби асарларидаги образлар ҳам прототиплар асосида яратилганлиги учун ҳам бетакрор ва ҳаётийдир.

“Сароб”, “Ўғри”, “Бемор”, “Анор”, “Минг бир жон”, “Бошсиз одам” асарларидаги образлар ана шундай образлар сирасига киради.

Демак, реалистик образ яратишда икки хил йўл тутиш мумкин:

биринчи усулда, ёзувчи ўз тафаккури, ижодий тажрибаси асосида шундай бадиий образлар яратадики, бу образларнинг ҳаётда борлигига ишонасиз;

иккинчи усулда, ёзувчи ҳаётдаги мавжуд кишилар характерини ўрганиб, уларни кузатиши натижасида бадиий образ яратади, яъни прототиплар асосида образ яратилади.

Бобнинг учинчи фасли **“Характер яратиш усуллари”** деб номланади. Бу фаслда адибнинг бадиий характер яратишдаги маҳорати хусусида сўз

³²Султон И. Адабиёт назарияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б. 203.

³³Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. Учинчи жилд. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. –Б. 262.

юритилади. Характер юнонча “белги”, алоҳида хусусият, “ўзига хослик” деган маъноларни англатади. “Бадий ижодда индивидуал хусусиятлар асосида ҳар томонлама тўлиқ яратилган инсон образининг мукамал тури ³⁴. Шу билан бирга, “Характер (грекча) инсон ҳулки ёки алоҳида намоён бўладиган ва унда одат тусига кириб қолган яна муҳим рухий ҳолатлар мажмуи, феъл-атвордир”.³⁵ “Бирор нарсанинг ўзига хос кўриниши хусусияти. Бошқалардан ажралиб, фарқ қилиб турадиган томони, ҳисобланади.³⁶ Д.Тўраевнинг қайд этишича, “Характер доим ҳаракатда, тўкнашувларда ўзини намоёиш қилади, сюжетни ҳам ҳаракатга келтиради ва аксинча, характер ўзини сюжетда кўрсатади. Яна муҳими сюжет асар ғоясини ифодаловчи восита бўлиб, уни характерлар мантиғи орқали ифодалайди”³⁷.

Шунинг учун ҳам адабиётда характер асосида ёзувчи ўзи айтмоқчи бўлган фикрларни китобхонга етказди. Ёзувчи М.Достоевский “Ҳамма гап характерда” деган эди. Ҳ.Умутов “Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги” рисоласида характер масаласига алоҳида эътибор қаратади. Ушбу рисолада рус ёзувчиси К.Чуковскийнинг қуйидаги фикрини жуда ўринли келтиради: “Прозаик ёзувчи учун энг асосий ва энг қийин масала характер яратишдир. Қолган ҳамма нарса ана шунга боғлиқдир, характер яратишга муяссар бўлиндими, демак роман, қисса шу кабиларни яратишга муваффақ бўлади”, деган эди.

А.Қаҳҳор қатор ҳикояларида ўзига хос характерлар кашф этиб китобхон хотираларида муҳрланиб қолишига асос яратади. Унинг кичик ҳикояларидан тортиб, йирик романларидаги характерлар ўзига хослиги ва бетақрорлиги билан муҳимдир.

“Минг бир жон” ҳикояси қаҳрамони Мастура ўзига хос характер сифатида адабиётимизда маълум. Ундаги ирода, матонат ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. “Даҳшат” ҳикоясидаги Унсиннинг ҳам ўз ҳаёт фалсафаси бор. “Майиз емаган хотин” ҳикоясидаги аёлнинг айёрлиги, “Адабиёт муаллими”да Боқижон Бақоевнинг саводсизлиги уларни ўзига хос характерлар сифатида шакллантирди. “Албатта асардаги персонажни ёзувчи яратади ва ўзи кўзлаган мақсад сари етаклайди. Лекин қаҳрамон кўғирчоғу муаллиф кўғирчоғбоз эмас, уни истаган куйга сола олмайди. Образнинг табиий характер мантиғи бунга йўл қўймайди. Чинакам йирик ёзувчи қаҳрамонни ўз феъли саъжиясига монанд яратади. Акс ҳолда тўлақонли образ яратилмайди”³⁸. А.Қаҳҳор “Адабиёт муаллими”, “Санъаткор”, “Нотиқ, “Думли одамлар” ҳикояларида замонавий кишилар характерини кашф этди.. ”Адабиёт муаллими”, “Санъаткор” ҳикоялардаги усти ялтироқ, ичи қалтироқ, билимсиз кишилар образини яратиб берди. Муаллиф саводсиз санъаткор ва муаллимнинг билимсизлигини ўз тилидан шу даражада тасвирлаб берадики,

³⁴Ҳатамов,Н, Саримсоқов Б. Адабиётшоднослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати.–Тошкент: Ўқитувчи,1979. –Б.335-336.

³⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: Русский язык, 1981 . –Б.316.

³⁶ Юқоридаги манба.–Б. 316.

³⁷Тўраев Д. Ҳаёт ва сюжет. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. –Б. 97.

³⁸Мелиев. С. “Хамса” да муаллиф образи котегорияси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2008 йил, 5-сон, –Б. 25.

натижада, ўзбек адабиётида ўзига хос характерларни яратишга эришади. “Ҳар бир янги давр босиб ўтилган йўл – мозийни англаш эҳтиёжини пайдо қилади, чунки бугун ва эртанинг илдизлари ҳаминша кечанинг бағрида қоимдир”³⁹. –

Хуллас, А.Қаҳҳор характер яратишда прототиплардан унумли фойдаланади, портрет ифодасида ўхшатиш, қиёслаш, солиштириш, киноя, бўрттириш, шартлилик каби бадиий тасвир воситаларидан фойдаланади, матнда фразеологик иборалар, ўхшатиш ва ироник усулларни қўллайди. Натижада, асар тилининг бадиийлиги ва миллийлиги тасвирий воситалар ёрдамида амалга оширилади. Характер яратишда образ хатти-ҳаракати, нутқ имкониятлари, ровий баёнидаги киноявий сўзлар ва иборалардан ҳам унумли фойдаланади.

Учинчи бобнинг учинчи фасли “**Тип яратиш тамойиллари**” деб номланди. Бу фаслда тип яратиш усуллар ва унинг турлари, ҳажвий ва юмористик типлар ҳақидаги қаршларга муносабат билдирилади.

“Тип – турли тарихий даврларда ҳаётий воқеалар, маълум кишилар гуруҳи учун характерли хусусиятларни ёрқин ифодаловчи нарса, ҳодиса, шахс. Умуман, тип “(грекча) бир турдаги нарса. Воқеа, ҳодиса ва шу кабилар учун умумий бўлган модел, нусха, намуна, тур”⁴⁰.

Айрим гуруҳ, синфларга хос хусусиятлар типиклаштириш ва умумлаштириш асосида бадиий образда мужассамлаштирилса, адабий типлар яратилади

Хасислик, бефаросатлик, порахўрлик, лаганбардорлик сингари иллатларни маълум шахс образи асосида бўрттириб, умумлаштириб, қуюқлаштириб кўрсатиб бериш натижасида типлар яратилади. Инсон характеридаги мавжуд ижобий ва салбий хусусиятлар ёзувчи томонидан қай даражада ёритиб берилса, шу асосда ўзига хос юқоридаги каби типлар кашф этилади. Жумладан, ҳажвий типларда масхарали кулги назарда тутилса, юмористик типларда соф кулги етакчилик қилади.

А.Қаҳҳорнинг “Синчалак” қиссаси бош қаҳрамони Қаландаров – бадиий тип. Ижтимоий ҳаётда унинг ўз ўрни бор. Қаландаров характерида икки типга, ҳам ижтимоий, маънавий-ахлоқий типга хос хусусиятлар мавжуд. Колхоз иши учун жонбозлик кўрсатиш, колхоз аъзоларининг ҳар бирини таниши унинг ижобий фазилати бўлса, аёлларни менсимаслиги, қонунларни писанд қилмаслиги унинг салбий томонларидир. Бир вақтнинг ўзида Қаландаров характерида образнинг икки жиҳати: ижтимоий фаоллиги ва ахлоқий камчиликлари кўрсатилади, образ мураккаб образ даражасига кўтарилади Тип даражасига кўтарилган образларда эса образнинг у ёки, бу жиҳати қуюқлаштирилади, натижада, бошқа образларга ўхшамайдиган, фақат ўзигагина хос хусусиятларга эга бўлган бадиий типлар яратилади.

“Башорат” ҳикоясидаги Саид Жалолхон характердаги мавжуд камчилик ва нуқсонлар қуюқлаштирилиб бадиий тип яратилишига асос бўлган. Бизга

³⁹Ҳамдам У. Янги ўзбек шеърляти. –Тошкент: “ADIB”, 2012. –Б. 4.

⁴⁰ Юқоридаги манба. – Б.182.

маълумки, типлар асосан типиклаштириш ва индивидуаллаштириш методлари асосида амалга оширилади. Ҳикоядаги воқеалар Саид Жалолхоннинг тушида бўлганлиги учун ҳам, образдан китобхон ҳаётий ҳақиқат меъзонларини талаб этмайди.

Шулардан Б.Ризаевнинг “Ҳажвий тип табиати” ва “Юмористик тип яратиш маҳорати” мақолалари бўлиб, унда Неймат Аминовнинг қатор ҳикояларидаги адабий типлар хусусида фикр юритилади. “Реал воқелик билан ижодкор идеали, айрим индивидлар моҳияти билан ижтимоий идеал ўртасидаги номутаносиблик ҳажвий ва юмористик асарлар яратилишининг бош омили ҳисобланади”,⁴¹ деб жуда тўғри таъриф беради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, юморни соф кулги асосида яратилган асарлар ва образларга нисбатан қўлласак, масхаралаш асосида яратилган асарларни эса ҳажвий асарлар деб қарашни ўринли деб билдик. Бу борада Б.Ризаевнинг қуйидаги мулоҳаза талаб фикри эътиборга молик: “Ҳажвий ёки юмористик асарлар эса ҳажвий типларга асосланади. Бундай типлар эса одатда ғоя ва шаклнинг ноуйғунлиги туфайли яратилади”⁴².

Муаллиф бу ўринда ғоя ва шаклнинг ноуйғунлиги деганда қайси шакл ва ғоя хусусида фикр юритган? Мақола муаллифининг айтишича, ҳажвий типлар ҳажвий асарларда иштирок этиши табиий, бироқ ҳажвий типларда юмористик типлар бўлишини тамойил сифатида талаб этилишини қандай тушуниш мумкин? Ҳажвий типларнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар жамият учун зарарли хусусиятларга эга бўлган типлар саналади. Юмористик типлар табиатида эса айрим камчиликлар мавжуд бўлиб, уларнинг устидан соф беғараз кулги амалга оширилади. Шунингдек, Б.Ризаев ҳажвий ва юмористик типлар яратилишининг бош омили сифатида ғоя ва шаклнинг номутаносиблигида деб билади. Ва яна: “Ғоя (моҳият) билан шакл ўртасидаги мана шундай номутаносиблик ҳажвий ҳамда юмористик ижод типини белгилайди”,⁴³ дейди. Бизга маълумки, бадиий адабиётдаги комизм иккига ажралади, ҳажв ва юморга. Шундай экан, Б.Ризаевнинг ҳажвий ва юмористик асарлар ҳажвий типларга асосланади, деган фикрини қандай изоҳлаш мумкин? Муаллиф юқоридаги фикрини янада асослаш учун: “Ҳажв ва юморда ғоядан устун бўлган шакл мавжуд бўлади. Бу устунлик шу даражага етадики, охир оқибатда образ ғояни йўққа чиқаради ва ғоясиз шакл ҳеч нарсага арзимас бўлиб қолади, – деб уқтиради. Мақолада Н.Чернишевский фикрини келтиради: “Ҳажвий тип яратишнинг ўзига хос қийин жиҳатларидан бири асар учун шаклий ихчамлик, фикрий кенглик зарур, ижодкор катта ҳаётий материални кичик ҳажмдаги бадиий асарда ҳажвий руҳни бир ёки бир неча образга жойлаши шарт, шу маънода ҳажв ва юморда қисқалик исътедоднинг ҳамшираси эмас, балки унинг айнан ўзидан иборат”. Келтирилган бу фикрда ҳақиқий ҳажвий типлар олдига қўйилган талаблар ўз ифодасини топган. .

⁴¹ Ризаев Б. Ҳажвий тип табиати ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. –2003 йил, 6-сон. –Б. 55.

⁴² Юқоридаги манба. – Б.56.

⁴³ Юқоридаги манба. – Б.56.

Характерларнинг ғоят мукаммалашган кўриниши тип саналади. Типнинг ҳажвий, юмористик, сатирик, идеал кўринишлари мавжуд, улар типиклаштириш ва индивидуаллаштириш асосида яратилади. Қобил бобо, Туробжон, Сотволди ва Бабарлар социал тип даражасига кўтарилган образлар саналади.

Тўртинчи боб **“Бадиий матн яратиш принциплари”** деб номланади. Биринчи фасл “Бадиий портрет” деб номланади, мазкур фаслда бадиий асардаги портрет масаласи хусусида сўз юритилиб, портретнинг А. Қаҳҳор асарладаги бадиий функцияси, муаллифнинг ижодий маҳорати масаласига тўхталиб ўтилади. “Ёзувчининг портрет яратиш услуби фавқулодда хилма-хил ва оригиналдир”⁴⁴. Шундай қилиб, адабиёт сўз орқали бадиий тасвирлаш санъати бўлиб, бадиий адабиёт тили асар мазмунини рўёбга чиқарувчи бирдан-бир воситадир. “Портрет – фр. тасвир сўзидан олинган бўлиб, адабий асардаги кишиларнинг ташқи кўриниши, сиймоси, кийим-кечаги, ўзини тутиши ва ҳоказолар тасвирдир.”⁴⁵.

Адибнинг ҳикоя, қисса, романларида портрет тасвирининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. “А.Қаҳҳор кўпроқ кишилар психологиясини бевосита тасвирлаш билан банд бўлганида портрет ва пейзажга жуда кам эътибор беради”⁴⁵. А.Қаҳҳор портрет ва пейзажга кам эътибор берса-да, у яратган ихчам, аниқ, бетакрор портрет ва пейзаж тасвирлари асарнинг умумғоясига хизмат этувчи, эмоционал ҳолатларга бой тасвирий ифодалар ҳисобланади.

Сорахоннинг портрет тасвирини беришда муаллиф отаси Муродхўжа домла портретини келтириб, уларни бир-бирига қиёслайди, натижада ҳар икки образнинг бетакрор портретини яратади. Мухторхон портрет ифодасида ҳам муаллиф ўзига хосликка эришади, унинг ноқис жиҳатлари аниқ кўрсатиб берилади. “Мухторхон ҳамон ўша, илгари ҳам баҳорнав эди, энди ундан офтобда қолган ёғоч чўмичнинг хиди келади. У ўпганда худди калтакесакнинг чирқиллашига ўхшаган бир товуш чиқаради. Мухторхон ари талаётганига қарамай, асалари уясига тумшук тикқан айиққа ўхшайди”⁴⁶.

Ёзувчининг кичик ҳикояларида ҳам ҳаётнинг мукаммал бир кўринишини кузатамиз. Келтирилган портретлар образлар ички дунёси, уларнинг кечинмаларини яққол кўрсатади. “Ўғри”, “Бемор”, “Анор”, “Бошсиз одам”, “Қизлар”, “Адабиёт муаллими”, “Кампирлар сим қоқди” каби ҳикояларидаги портретларда аниқлик, бетакрорлик мавжуд. Берилган портретлар образларнинг бетакрор вааниқ таснифини беради, улар ҳақида муаллиф яна қўшимча маълумот беришига ўрин қолдирмайди.

Хуллас, адиб ижодида психологик портрет етакчилик қилади. Портрет тасвири асар бадиий бутунлигини таъминлашда структура унсури сифатида иштирок этади. Портрет таркибидаги ўхшатиш, қиёслаш, деталь, ироник

⁴⁴ Султонова М. Абдулла Қаҳҳор услуби. –Тошкент: Фан, 1967. –Б. 102.

⁴⁵ Хотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.238.

⁴⁵ Султонова М. Ёзувчи услубига доир. – Тошкент: Фан, 1967. –Б.54-55.

⁴⁶ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. Биринчи -жилд. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б.179-180.

воситалар матнда бадий-эстетик ва композицион функция бажаради. “Тўйда аза”, “Бошсиз одам” ҳикояларидаги портрет тасвирида контраст усули қўлланилиб, образ характерининг шаклланишида етакчи усул сифатида кўринади.

Тўртинчи бобнинг иккинчи фасли **“Ўхшатишнинг контекстдаги бадий-эстетик функцияси”** деб номланади. Ҳар қандай асарни бадий тасвир воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Тасвирий воситалар ёзувчи таланти ва маҳоратидан келиб чиқиб асарларда турли даражада қўлланилади. Ўхшатиш қачонки, матнда бадий-эстетик функция бажарса, унинг асардаги аҳамияти янада яққол кўринади. Бадий ижод жараёнида ёзувчи ўзининг дунёқараши, кўникма, малакаси асосида ҳаётни бадий мукамал, ишонарли тасвирлаб берсагина, унинг асарлари севиб ўқилиши, асарлар ҳам унинг унутилиб кетишига раҳна солмайди. Айнан бадий асарларга умрбоқийлик бахш этган нарсалар бизнингча, ёзувчининг тасвирлаш усулидир. Шундай экан, ўзбек адабиётининг етук сўз санъаткори А.Қаҳҳор ижодини том маънода ўзига хослигини белгиловчи асосий восита ёзувчининг тасвирлаш санъатидир.

“Абдулла Қаҳҳор кам ёзган адиблардан. Аммо бадиият жиҳатдан унинг ижоди тўлиб-тошиб етган катта дарё”⁴⁷. Абдулла Қаҳҳор асарларида ўхшатиш воқеликни таъсирчан, асар сюжетини ихчам ва мукамал, образларнинг ўзига хос талқинини таъминлайди. Ўхшатиш бадий контекст талабларидан келиб чиқиб ёзувчи асарларида қўлланилади. Адиб асарларидаги ўхшатиш адабиётшуносликда қай даражада ўрганилган?

Шу ўринда: “Ўхшатиш-нарсалар, ҳодисалар маълум умумийликка эга бўлган бошқа нарсалар ёки ҳодисалар билан таққослаш, ифодалаш, тасвирлаш”⁴⁸ дир. “Қиёслаш-ўзаро таққослаш, чоғиштириш, солиштириш, тенглаштириш, таққослаш, муқояса қилмоқ” ҳисобланади.⁴⁹ Шунингдек, “Сравнение” – ўхшатиш. Бадий тасвир воситаларидан бири. Ўхшатиш кўчимнинг содда турига киради ва икки нарсалар, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгиси, моҳиятини тўлароқ, конкретроқ, бўрттириброқ кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам бирор предметнинг маълум бир белгисини бошқа бир предметга солиштиришга ўхшатиш дейилади”⁵⁰.

А.Қаҳҳор “Сароб” романида ўхшатишдан санъат даражасида фойдаланган. “Кўшчинор чироқлари” романида ушбу бадий тасвир воситасига “Сароб” романи даражасида кўп мурожаат қилмаган бўлса-да, ундан ўринли фойдаланган. “Синчалак” қиссасидаги ўхшатишлар эса бетакрорлиги, кинояга бойлиги билан ажралиб туради. Ўхшатишнинг энг

⁴⁷Кўшхонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. –Б. 3-4.

⁴⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Иккинчи том – Москва: Рус тили, 1981. – Б. 524.

⁴⁹ Юқоридаги манба. –Б. 569

⁵⁰ Хотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979. –Б. 294.

яхши намунаси адибнинг “Тўйда аза”, “Майиз емаган хотин”, “Башорат” ҳикояларида қўлланилган.

Хуллас, ўхшатиш бадиий тасвир воситаларидан энг унумлиси эканлиги; тип, характер, ички дунёси, ҳаракат-ҳолатларининг ўзига хос талқин этилишида бадиий тасвир восита сифатида эътироф этилиши; ўхшатишда бир предметга нисбатан бир неча предметларнинг белги хусусияти солиштирилиб, таққосланиб, тасвирда мукамалликка эришиши; ўхшатишда миллий колорит, ўхшатишга предметга нисбатан бўлган китобхон қарашлари инобатга олиниши зарур.

Тўртинчи бобнинг учинчи фасли “Перифраза ва унинг қўлланилиш тамойиллари” деб номланади. Бадиий тасвир воситаларининг навбатдагиси перифразадир. “Перифраза (гр. Periphrasis – яқин гапираман сўздан) – перифраз ёки перифраза. Кўчим турларидан бири бўлиб, унда нарса ёки инсон ўз номи билан эмас, балки унга хос асосий белги, хусусиятлар номи билан юритилади”⁵¹. Қачонки, ўхшатиш воситасида образли ифода яратилгач, асар сюжетида шу белги ривожлантирилиб сўнг перифразага айланади. Аввал бирор белгиси билан тилга олинган образ айнан шу белгининг сюжетда тараққий этиши натижасида образ номи белги номи билан алмаштирилади, ўхшатишга предметнинг номи билан атала бошлайди.

Перефразанинг ўзига хос кўринишини “Сароб” романидаги Саидийнинг қайнонаси мисолида кўрамиз Унга нисбатан муаллиф “булбулигўё” сўзини қўллайди. Ушбу образнинг вайсақилигини асар сюжети давомида кўрсатиб беришга эришади. Романнинг бир неча ўринларида айнан шу сўзни келтириб, уни перифраза даражасига кўтаради. Аввалига муаллиф кампир ҳақида шундай маълумот беради. “Кўп йиллар касал ётиб ўлган мурда сингари бўлган бу хотин, Саидий тўғрисида қизидан кўра ортиқроқ кунчи эди. У Саидийни қаерга борганини, ким билан сўзлашганини мудом суриштириб билиб юрар ва агар бирон шубҳага тушса қизи орқали, ёки жуда чидай олмаса, ўзи Саидийни сиқиб жонини олар эди”⁵².

Таърифнинг янада мукамаллигига эришиш мақсадида, муаллиф изоҳни давом эттиради. “У гапирса, Саидий сўз қайтаришга юрак қилолмас, чунки бир оғиз сўз қайтарса, уч кунгача боши ғурбатдан чиқмасди. Шунинг учун Саидий унга “булбулигўё” деб ном берди”⁵³. Тўхтовсиз ва ўринсиз гапирадиган кишиларга нисбатан халқ орасида булбулигўё сўзининг ишлатилиши бизга маълум. Буни яхши билган адиб, кампир характерини мукамал тасвирлашга эриши учун айнан шу сўзнинг акси маъносини берувчи “булбулигўё” сўзини қўллайди ва матнда келтирилади: “Овқат маҳалида “булбулигўё” одатдагича яна талай одамларни ёмонлади, аллақерда бўлган жанжалда ким ҳақ, ким ноҳақ экани, оқсоч бир неча

⁵¹ Хотамов Н.Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979. –Б. 230

⁵² Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. Биринчи жилд. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 193.

⁵³ Юқоридаги манба. – Б. 193 .

мартаба танбеҳ эшитишига қарамасдан, бу кун яна супургини деворга суяб, тикка қўйгани тўғрисида титраб, қақшаб сўзлади”⁵⁴.

Перифраза ёрдамида вайсақилигини ифодаласа, чаққонлигини калтакесакнинг ҳаракатига қиёс қилиб, салбий муносабатини янада кучайтиради. Калтакесак деталига нисбатан қўлланилган перифразанинг энг таъсирлиси Сорахоннинг нутқида Мухторхонга нисбатан ишлатилади “Ахир, қиз олмаган йигит, қандай қилиб, бир калтакесакнинг сарқитига рози бўлсин, майли, у ҳам қиз олсин. Сўнгра баровар бўламиз”⁵⁵.

Адиб бошқа асарларида ҳам айнан калтакесак деталига нисбатан ўхшатишларни қўллаб, перифраза даражасига кўтарган. Масалан, Мухторхон ўпганда калтакесакка ўхшаб товуш чиқаради, кўзи кўмлоқда ётган калтакесакнинг кўзига ўхшайди каби ўхшатишларни қўллаган муаллиф бадиий концепцияни кучайтириш мақсадида “калтакесакнинг сарқити” перифразасини келтиради.

”Синчалак” қиссасида ҳам перифраза қўлланилган бўлиб, қисса охирида Қаландаров Саидага “Синчалакхон” деб мурожаат этади. Бу лукмани у ижобий маънода айтади. Шундай қилиб, А.Қаҳҳорнинг “Синчалак” қиссасидаги перифраза бадиий сўз қудратини санъат даражасига кўтарилганлигини исботлайди. Адибнинг нафақат романлари ва қиссаларида, бадиий жиҳатдан мукамал ҳикояларида ҳам перифразадан унумли фойдаланган.

“Тўйда аза” ҳикояси А.Қаҳҳор маҳоратининг ҳар томонлама кўрсата олган ҳикоялари сирасига киради. Етук адабиётшуносларимиз тадқиқотларида ушбу ҳикоя ҳақида жуда кўп ижобий фикрлар айтилган. Ҳикоядаги муаллиф концепцияси комик планда ўзига хос равишда талқин этилган. Натижада муаллиф маҳорати туфайли такрорланмас образлар яратилган.

Ҳикоядаги асосий образлар ҳеч кимга намуна ҳам бўлолмайди, ҳеч ким билан гаплашмайди, ҳатто бир сўз ҳам айтишмайди. Матнда қўлланилган тасвирий ифодалар образлар характери мукамал очиб беради. Тўйга яқин қолганда келин кўчанинг бошидаги ательега кўйлак буюргани келган экан, нима бўлиб бундан хабар топган аёллар кўргани боришибди. Келин дарҳақиқат ёш, лекин худди қизиқчиликка семиргандай юм-юмалоқ, эгнида енгсиз кўйлак, бошида попушакнинг тожиги ўхшаган, лекин қизил шляпа: кўлидаги сумкаси, оёғидаги пошнаси бир қарич туфлиси ҳам қизил. Уни адоват ва нафрат билан бошдан оёқ кузатган одамлардан бири, бурилиб чиқиб кеттар экан:

– Хўрозқандга ўхшамай ўл! – деди.

– Қариган чоғида хўрозқанд яламай домла ҳам ўлсин! – деди яна бири”⁵⁶.

⁵⁴ Юкоридаги манба. – Б.194.

⁵⁵ Юкоридаги манба. – Б.180.

⁵⁶ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. Иккинчи жилд. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 311.

А.Қаҳҳорнинг “Сароб”, “Қўшчинор чироқлари”, “Синчалак”, “Тўйда аза”, “Минг бир жон”, “Башорат” каби асарларида имкон даражасида бу воситадан фойдаланган. “Сароб”, “Синчалак” асарларда перифразаларга хос хусусиятлар мантиқан асосланган.

Хуллас, перифразалар қачонки асар сюжетида ўз белгиси асосида босқичма-босқич ривожлантирилса, асосланса, асарда бадиий функция бажарса, бадиий-эстетик қимматга эга бўлади. “Сароб”да “булбулигўё”, “калтакесак”, “Синчалак”да “синчалак”, “Тўйда аза”да “хўрозқанд” сўзлари перифраза даражасига кўтарилган.

ХУЛОСА

1. Бадиий асар поэтикасини ўрганиш ва уни жаҳон андозалари асосида текшириш бугунги куннинг энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган назарий масаласи саналади. Бадиий асар матнини асар структураси асосида тадқиқ этиш, матн таркибидаги ҳар бир сўз ва шаклий элементларни воқеликни ҳаётий акс этириш аспектида таҳлил этиш, матннинг асл маъносини ифодалашда йўл очади.

2. Ёзувчининг бадиий идрок этиш салоҳияти ва маҳорати асар структурасининг ташкил этувчи барча элементларда ўз ифодасини топади ва шаклланади.

3. Асар структурасида ва унинг бадиий бутунлигини амалга оширишда ровий ривоя тарзи, позицияси муҳим саналади. “Майиз емаган хотин” ҳикоясида айнан шу ижодий жараён кузатилади.

4. Образларнинг ўз-ўзини фош этиши, ровий баён усулидаги кесатиқ, киноя каби муносабатларнинг етакчилиги, кўчма маънодаги сўзларнинг ровий нутқида мавжудлиги муаллиф маҳоратини белгиловчи асосий тамойил ҳисобланади.

5. “Бошсиз одам” ҳикоясида салбий образларга нисбатан ровийнинг атайлаб тарафкаш муносабатда бўлиши китобхонга, эмоционал таъсир ўтказишнинг ўзига хос усулидир. Бадиий воқеликни “акслантириш”да, саргузашт ва реалистик элементларнинг мавжудлиги “пайвандлаш” зарурати, ровийнинг ортиқча тафсилотларга берилмаслиги, муболаға ва шартлилик усулларида фойдаланиши, тасвирда меъёрни сақлай билиши А.Қаҳҳор ижодида тамойил даражасига кўтарилган

6. Бадиий бутунлиқни таъмин этишда ровий ривоя тарзи асар структурасида етакчилик қилиб, “Майиз емаган хотин” ҳикоясида ровийнинг холис позицияси кузатилади. Образларнинг ўз-ўзини фош этиш усули бу ҳикояда ҳам ижодий тамойил сифатида кўринади. Ровий баён тарзида

кесатик, киноя, тарафкашлик каби услубий изланишлар ёзувчи маҳоратини кўрсатади.

7.Ижодий индивидуаллик асарнинг барча элементларида намоён бўлади. Бадиий ижод поэтикасини белгилашда ижодий индивидуаллик асосига қурилган ёзувчи услуби шаклланади.

8.Ритм қаҳрамон руҳий ҳолати, бадиий матнда берилган сўзларнинг лексик маъноси, уларнинг нутқий бўлинишлари каби элементларга боғлиқ. Паузаларнинг ҳар бир сўз кетидан келиши ритм шаклланишида ва матн оҳангини белгилашда асос саналади.

9.Ровий нутқида берилган фразеологик иборалар, киноявий сўзлар ҳикоя ритмининг гоҳ кўтариши, гоҳ пасайиб туришига олиб келади. Ритмик муносабатнинг ифода этувчи сўз такрори, талаффуздаги товуш тушиши ва орттирилиши, туроқлар ўртасидага сўз нисбатларининг кескин фарқланиши асар таъсирчанлигини таъминлайди.

10. Ритм ҳосил қилувчи шаклий воситаларнинг матнда қўлланилиши асар оҳанги ўзгартиради.Образнинг иштирокини таъминлайди.

11.Деталларда миллий колорит, замон ва макон билан ҳамоҳанглик каби боғлиқ ҳолатлар кузатилади. Деталь сюжетда ривожланади, аниқ функция бажаради, образли мушоҳадалар яратилишига асос бўлади ва образлар ички дунёсини очиб беришга хизмат қилади.

12.Асарларда деталь бадиий-эстетик функция бажариб, муаллиф концепциясини амалга оширишда асосий восита бўлиб, сюжетда динамикликка эришади.

13.Ёзувчи ҳаётдаги мавжуд кишилар характерини ўрганиб, кузатишлари натижасида прототипга асосланган образлар яратади. “Ўғри”, “Бемор”, “Анор”, “Минг бир жон”, “Бошсиз одам” ҳикояларида ва “Сароб” романи қаҳрамонларининг мукамал тасвирланишида А.Қаҳҳор прототиплардан фойдаланган.

14.Ҳар бир давр адабиётида ўзига хос типлар мавжуд бўлиб, характернинг мукаммалашган кўриниши тип саналади, типларнинг ҳажвий, юмористик, сатирик, идеал турлари мавжуд бўлиб, улар типклаштириш, индивидуаллаштириш асосида яратилади. Қобил бобо, Туробжон, Сотволди ва Бабарлар социал типлар саналиб, типклаштириш асосида яратилган образлар сирасига киради.

15.Портретни тасвирлашда ўхшатиш, қиёслаш, солиштириш, киноя, бўрттириш, шартлилик каби бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш, матндаги фразеологик ибораларнинг қўлланилиши асар тилининг миллий колоритга бойлиги, бадиийлигини таъминлайди.

16.Портрет бадиий асар структурасида асосий фигура саналади. Асар бадиий бутунлигини таъмин этишда, қаҳрамонлар ички оламини ёритишда, уларнинг образ сифатида шаклланишида унинг ўз ўрни бор. Портрет таркибидаги ўхшатиш, қиёслаш, ироник воситалар сюжетда бадиий-эстетик функция бажариб, “Сароб”, ”,“Синчалак” , “Тўйда аза”, “Бошсиз одам”, “Ўғри” асарларида ижодкор маҳоратини кўрсатган.

17.Перифраза бадиий асарларда ниҳоятда кам ишлатиладиган тасвирий воситаси саналиб, “Сароб”, “Синчалак”, “Тўйда аза”да ҳақиқий санъат даражасига кўтарилган. Перифраза қўлланилган ўринлар сюжетнинг “чўққи” нуқтаси ҳисобланиб, “Майиз емаган хотин” ҳикоясида айнан шу ҳолат кузатилган.

**SCIENTIFIC DEGREE GRADING COUNCIL UNDER
FERGANA STATE UNIVERSITY
DSc. 03/30.12.2019 . Phil. 05.02**

FERGANA STATE UNIVERSITY

RUSTAMOVA IBODATKHON IKRAMOVNA

POETICS OF ABDULLA QAHHOR'S PROSE WORKS

10.00.02 – Uzbek literature

Doctor of Philology (DSc) Dissertation

AUTHOR ABSTRACT

Fergana - 2022

The subject of the Doctor of Philological Sciences (DSc) dissertation is registered in the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2021.1.DSc.Phil.260.

The dissertation was completed at Fergana State University.

The abstract of the dissertation was posted on the website of the Scientific Council (www.fsu.uz) and on the "ZiyoNET" information-educational portal (www.ziynet.uz).

Scientific supervisor:	Sabirdinov Akbar Gafarovich doctor of philological sciences
Official opponents:	Rashova Umida Yoldosh girl doctor of philological sciences Hamdamov Ulug'bek Abdurahobovich doctor of philological sciences Nasirov Azmidin Normamatovich doctor of philological sciences
Leading organization:	National University of Uzbekistan

Dissertation defense will be held at the meeting of the Scientific Council under the number DSc. 03/30.12.2019 .PII, on 05.02 of 2022 20 09 at 10:00 (Address: 107, B.Marginosiy, Fergana sh., 100151, Tel: (0573) 244-44-29; fax: (0573) 244-44-91; e-mail: info@fau.uz)

The dissertation can be viewed at the Information Resource Center of Fergana State University (registered with number 51) (Address: 100151, Fergana sh., B. Marginani, street 107, Tel: (0573) 244-44-94).

The abstract of the dissertation was distributed on 10.09.2022 (2022 10 09 572 numbered registry report).



S.M. Jabborov,
Chairman of academic degree
Council, Ph.D., Professor

M.Y. Zokirov,
The scientific secretary of the scientific degree-granting
Council, Ph.D., Associate professor

Z.B. Kobilov
The deputy chairman scientific council under the
scientific degree-granting council,
doctor of philology

INTRODUCTION (annotation of doctoral (D S c) dissertation)

Relevance and necessity of the dissertation topic. In world literature, generalization of scientific-theoretical views related to the poetics of an artistic work in determining the characteristics of the writer's skill, style, the principles of creating an artistic text in prose works and the artistic interpretation of reality, the study of the skill of creating a rhythm, hero, and character have been the regular focus of researchers. Today, it is of great practical importance to generalize the scientific-theoretical views of the peoples of the world related to the poetics of artistic works, to scientifically justify the artist's skills in reflecting universal and national values through the study of the poetics of certain creative works.

At a time when modernist methods of representation in artistic prose appear in modern world literature, attention is paid to ontological, hermeneutic, and structural analyzes based on the principles of universality, modernity, and nationalism. This creates the need to scientifically and theoretically substantiate the issues of individual style and skill in the poetics of artistic works, taking into account the role of the narrator's narrative style, narrator's function, rhythm and the tools that create it.

Uzbek prose of the 20th century went through a stage of its own development and research. It is known that the dominance of one creative method in the period of the former Soviets affects the freedom of creativity and creates difficulties for the writer in the interpretation of the reality of life. But despite this, works were created that serve as a source of learning for the artists of the 21st century, and the poetics of these works: style and skill, hero and character, artistic text and context, artistic speech and conflict, creative process and creative laboratory are relevant. "Especially, in the current turbulent and dangerous times, which appear before the entire humanity, we have not faced before, the urgent and complex problems, global threats, together to unite all good-willed people, in the spirit of humanistic ideas of young people, who make up about a third of the world's population. Today, it is necessary to increase the role and responsibility of artistic speech art in education more than ever." ¹ Therefore, the work of Abdulla Qahhor, who has a special place in the Uzbek literature of the 20th century, is considered an invaluable asset of our artistic thinking, and it is important that it serves to fulfill an important task in the spiritual and moral education of the young generation even in the process of reforms and renewals today.

Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4794 of May 13, 2016 "On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi", No. PF-4958 of February 16, 2017 "On further improvement of post-secondary education", PQ-2789 dated February 17, 2017 "On measures to improve the activities of the Academy of Sciences, organization, management and financing of scientific and research

¹ Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлсин. Учинчи жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б.340.

activities", PQ 2-909 dated April 20, 2017 "Measures to further develop the higher education system on", No. PQ-2995 of May 24, 2017 "On measures to further improve the system of preservation, research and promotion of ancient written sources", No. PQ-3271 of September 13, 2017 "Development of the system of publication and distribution of book products, on the program of comprehensive measures to increase and promote book reading and reading culture ", PQ - No. 4865 dated October 19, 2020 "Named after Alisher Navoi decisions of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 124-F of February 16, 2018 on the organization of an international public fund" on holding international conferences on the topic "Current issues of studying and promoting Uzbek classical and modern literature at the international level" and related to this activity this dissertation research serves to a certain extent in the implementation of tasks defined in other regulatory legal documents.

The dependency of the research on the priorities of the development of science and technology in the republic. This dissertation was carried out in the first priority direction of the republican science and technology development entitled: - "Social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of the information society and democratic state, development of innovative economy" .

Review of foreign scientific research on the topic of the dissertation.²

In the study of world literature, the issues of poetics, the artistic prose of famous writers have always been the focus of attention of scientists. In particular, Johns Hopkins University (in the USA F.M. Connelly's "The Study of Literature" revealed the theoretical foundations of literary studies in three parts (11 chapters) and an appendix), University of Yale (Rene Wellek analyzed the poetic problems of Austin Warren in "Literary Theory") . Effective work is being done at Columbia University (R. Rabinovich and P. Wolf "Poetics of Iris Murdoch's Novels").

Also, St. Petersburg University (O. Nogovitsyn's "Poetics of Russian Prose", K. Barsht's "Prose Poetics of Andrei Platonov", V. Vetlovskaya's "Analysis of Epic Works: Problems of Poetics"), Moscow State University (N. Tamarchenko , V. Tyupa, S. Broytman), special studies of novel poetics were conducted at the Belarusian State Pedagogical University (T. Komarovskaya).

It was researched at the Institute of Literature and Folklore of the Uzbek Language (S.Miliev, Z.Mirzaeva), National University of Uzbekistan (M.Sharafuddinova, S.Kamilova), Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi (I.Yakubov).

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи .Conneli F/ / Study of poetry/ Norwood press. Mass,U.S.A.1913/ - p.232; Wellek Rehe, Warreh Austin. Theory of Literature. New York Harcourt, Brace and Company.1946; Rabinovitz R. Iris Murdoch. Columbia University Press. New York and London, 1968. Wolfe P. The disciplined heart: Iris Murdoch and her novels.Columbia Missouri. University of Missouri Press. 1966.<http://cup.columbia.edu>; Ноговицын О. Поэтика русской прозы.-С. Петербург: Высшая религиозно-философская школа,1999. –155 с. Баршт К. Поэтика прозы Андрея Платонова. – Спб. 2000. – 484 с. <http://pushkinskiydom.ru>. Ветлловская В. Анализ эпического произведения: Проблемы поэтики. – Спб.: Наука, 2002. -214 стр.www.kniga.websib.ru, www.harvard.edu, www.mgu.ru, www.bgpu.by ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

The level of study of the topic. Theoretical foundations of the poetics of an artistic work in world and Russian literary studies, the structure of an artistic work, methods of creating an image, the unique creative principle of a writer, the language of an artistic work, aspects of its artistry were studied in the studies of scientists, including Aristotle, M. Khrapchenko, M. Bakhtin, E. Khalizev, A. Veselovsky, M. Grishman, V. Vinogradov, V. Belinsky, B. Shklovsky, G. Pospelov, F. Shelling, E. Dobin, V. Kavalev, Yu. Borev,³. The major fundamental studies by M. Koshjanov, O. Sharafiddinov, M. Sulstonova, H. Abdusamatov, U. Normatov, S. Sadiq⁴ can be included among great fundamental researches of Abdulla Qahhor's work. Additionally, the literary works of the writer were studied by our scientists such as U. Hamdam, R. Kochkor, D. Toraev, V. Borolina, I. Haqqul, H. Boltaboev, Y. Solijonov, A. Sabirdinov, Sh. Normatova, O. Joraboev⁵ on the basis of various theoretical problems. Works related to the topic were covered by⁶ series of literary experts in the aspect of image and character creation.

During the period of independence, significant changes took place in literary studies, like many other fields. Efforts to study the sources of Uzbek literature in the context of world literature, to research the artistic text in various forms have increased. "In general, the ultimate goal of any analysis, including structural

³ Аристотель. Поэтика. –Тошкент: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980; Храпченко М. Творчество Гоголя.–Москва: Академ.наук. СССР, 1957.–258 с.; А.Потебня Теоретическая поэтика.–Москва: Высшая школы, 1990. –342 с.; Храпченко М. Горизонты художественного образа.–Москва: Художественная литература, 1986.–439 с.; Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: Худож. лит., 1975. –502 с.; Бахтин М. Романда замон ва хранатоп шакллари. –Тошкент: Akademnashr, 2015. –288 б.; Хализев Е. Теория литературы.–Москва: Высшая школы, 1999, –398с. WWW.gumfak.ru Веселовский А. Историческая поэтика, – Москва: Высшая школа, 1989. –406 с.; Гришман М. Ритм художественной прозы. Москва: Сов писатель, 1982. –С.365; Виноградов В. О теории художественной речи.–Москва: Высшая школы, 1971. –118 с.; Пospelov Г. Введение в литературовведение. –Москва: Высшая школы, 1983.С-202. Добин Е. Жизненный материал и художественный сюжет. –Москва: Сов.писатель,1982; Кавалев В. О стиле художественной прозы. – Москва: Художественная литература, 1960; Гришман М. Ритм художественной прозы. –Москва: Сов писатель, 1982. –С.365;

⁴Кўшжонов М., Норматов У. Маҳорат сирлари. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. – 220 б.; Султонова. М. Абдулла Қаҳҳор услуби. –Тошкент: Фан, 1967.; Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. –Тошкент: Ёш гвардия, 1988.-255-б.; Абдусаматов Ҳ. Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1980; Содик С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид: Филол. фан. док. дисс... –Тошкент, 1997. –210 б.

⁵Ҳамдам У. Янги ўзбек шеърляти. –Тошкент: “ADIB”, 2012. –304 б.; Кўчкор Р. Мен билан мунозара килсангиз.–Тошкент: Маънавият, 1998. –96 б.; Болтабоев Ҳ, Теранлик. (“Анор” ҳикоясининг структурал таҳлили). // Адабиётимиз фаҳри. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007; Жўрабоев О. Матнинг матноси сирлари. – Тошкент: Тамaddon, 2019. –199 б.; Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2009. –226 б.; Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. –Тошкент: Akademnashr, 2006. –Б.144; Боролина И. Абдулла Қаҳҳор. Очерк творчество. –Тошкент: Гос. изд. художественной литературы, 1957. – С.120; Кўчқорова М. “Ўтмишдан эртақлар” тадқиқи. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. –144 б.; Кўчқорова М. “Сароб”нинг матн ости сирлари. Ziyouz.uz. *Илм ва фан*. –144, . ва *адабиёт* саҳифаси.

⁶ Матёкубов С. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари: Филол. фан. номз... афтореф. –Тошкент, 2008. –23 б.; Курунов Д. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида): Филол фан. д-ри. дисс... афтореф. –Тошкент,1998. –53 б.; Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин.–Тошкент: Фан, 2006; Йўлдашев Қ. Ўзбек совет ҳикоячилигида характер тасвири эволюцияси: Филол. фан. номз... дисс. –Тошкент, 1985. –164 б.; Иноятов Ч. Ҳозирги ўзбек прозасида характер проблемаси. –Тошкент: Фан, 1984, –128 б. Дониёров Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги: Филол. фан номз... дисс. –Тошкент, 1999. –130 б.

analysis, is to find the soul of a work of art and demonstrate it through evidence in a scientifically clear and impressive way." ⁷ While reacting to the mentioned scientific views, theoretical aspects not studied by them are highlighted.

